

Ғулом Мирзо

**ОБОД МАҲАЛЛА – ОБОД МАМЛАКАТ
ТАРАҚҚИЁТИ КАФОЛАТИ**

Тошкент
«Адолат»
2015

**ОБОД МАҲАЛЛА – ОБОД МАМЛАКАТ
ТАРАҚҚИЁТИ КАФОЛАТИ**

УЎК: 342.553(575.1)

КБК 66.3(5Ў)6

М-54

Обод маҳалла – обод мамлакат тараққиёти кафолати/
F. Мирзо. – Тошкент: «Адолат», 2015. – 80 бет.

ISBN 978-9943-4380-2-6

УЎК: 342.553(575.1)

КБК 66.3.(5Ў)6

Масъул муҳаррир:
Жавдатхон Иноғомов,
Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди
республика бошқаруви раиси

Ушбу рисолада мустақиллик йиллари мамлакатимизда маҳалла институтини ривожлантириш йўлида босқичма-босқич амалга оширилаётган ҳаётбахш ислоҳотлар ҳақида сўз боради. Давлатимиз раҳбарининг «Ҳаётимизни обод қилишнинг муҳим шарти – бу аввало маҳаллани обод қилиш» деган ғоясига таянган ҳолда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган амалий чора-тадбирларнинг мазмун-моҳияти атрофлича талқин этилади.

Китобда «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси», янги таҳрирда қабул қилинган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги ҳамда «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонунларда маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти янада кучайтиргани, унга янги хуқуқ ва ваколатлар берилгани, умуман, бу тизим фаолиятини янги босқичга кўтаришга қаратилган устувор вазифаларнинг туб аҳамияти ҳаётий мисолларда очиб берилган.

Рисола кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

ISBN 978-9943-4380-2-6

© F. Мирзо, 2015.

© Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
хузуридаги «Адолат» нашриёти, 2015.



*«Маҳалла нуфузини кўтариш
нафақат иқтисодий, нафақат иж-
тилоий, балки бу – сиёсий, тарбия-
вий, улкан маънавий масаладир».*

Ислом Каримов

ИСТИҚЛОЛ, ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ВА МАҲАЛЛА

(муқаддима ўрнида)

Маҳаллалар қадимдан юртимизда тарбия ўчоғи, эзгулик бешиги, урф-одатлар, анъана ва қадриятлар эъзозланадиган миллий демократик маскан сифатида эътироф этиб келинади. Бинобарин, маҳалла инсонни жамият билан бирга яшашга ўргатадиган, шу руҳда тарбиялайдиган беқиёс макондир.

Президентимиз таъкидлаганидек, «**маҳалла деганда – фуқаролик жамиятининг шакл-шамо-йилини, жамиятимизнинг ранг-баранглигини ўзида тўлиқ ифода этадиган, ижтимоий-сиёсий, социал, маданий-маърифий ва профессионал ташкилот ва муассасаларни қамраб олган ти-зимни тасаввур қиласиз»¹.**

¹ Каримов И.А. Ватан ва халқ мангу қолади: Ҳикматли сўзлар ва иборалар тўплами / Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2010. – 97-бет.

Маҳалла тизимиға берилган бу теран таърифнинг туб моҳиятини англаш учун, авваламбор, **мустақиллик, фуқаролик жамияти, демократия** тушунчалари билан **маҳалла тизими** ўртасидаги узвий алоқадорликнинг мағзини чақиш муҳим аҳамиятга эга.

Зеро, мустақил мамлакатни демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти институтларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу боис юртимизда истиқлонлнинг илк кунлариданоқ демократик янгиланиш, эркин фуқаролик жамиятини қуриш йўли танлаб олинди.

Юртбошимиз таъбири билан айтганда, бу йўлни ҳар ким ўзига хос йўсинда босиб ўтади. Ўзбекистон демократиянинг фундаментал тамойилларига асосланган, уларга қатъий риоя этган ҳолда, айни пайтда ўз ҳаракатларини ҳалқимизнинг тафаккури ва дунёқараши, неча минг йиллик миллий турмуш тарзи билан мувофиқ равишда олиб бормоқда.

Шуниси диққатга сазоворки, олдимизга қўйилган асосий мақсад ва устувор вазифалар мамлакатимизни эркинлаштириш ва модернизация қилиш борасида узоқни кўзлайдиган **«Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари»** тамойилига асосланган. Бу – демократик ислоҳотлар изчил ва тадрижий, босқичма-босқич ва узлуксиз тизимли жараён эканининг яна бир исботидир.

Мамлакатимизда мустақиллик шарофати туфайли шахс ўз қадр-қиммати, ор-номуси ва ғурурини англаши, **«Мен – эркин инсонман»** деган туйғуни теран ҳис этиб яшаши учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Зеро, **мустақиллик – бу ҳуқуқ.** Мустақиллик – инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манбаатларини таъминлашнинг асосий омили ва кафолатидир.

Айнан истиқлол шарофати билан юртимизда шаклланаётган, халқимизнинг турли ижтимоий гуруҳлари манфаатларини ифодаловчи эркин фуқаролик жамияти институтларининг нуфузи ҳамда таъсирини кучайтириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Мустақиллик туфайли фуқароларимизнинг дунёқараши ва тафаккури, ҳуқуқий онги ва маданийти тубдан ўзгарди. Уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ошди. Жамиятда юз бераётган ўзгаришларга бефарқлик муносабатидан воз кечилмоқда, ён-атрофимизда ва дунёда юз бераётган воқеа-ҳодисалар, тараққиёт ва янгиланишларга дахлдорлик ҳисси мустаҳкам қарор топмоқда.

Демократик кўниқмалар фуқароларимизнинг кундалик ҳаёттарзигатобора чуқур сингиб бормоқда. Бошқача айтганда, фуқаролик жамиятининг ижтимоий-иктисодий ва сиёсий-ҳуқуқий муҳити, кайфияти шаклланмоқда. Ватандошларимизнинг давлат ва жамиятни бошқаришда фаол иштирок этиши эса, ўз навбатида, жамиятимизни янада демократлаштириш, эркинлаштириш ва фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш билан чамбарчас боғлиқ.

«Фуқаролик жамияти» деган тушунчанинг илдизлари халқимизнинг олис тарихига бориб тақалиши айни ҳақиқатдир. Фуқаролик жамиятининг ноёб ва бетакрор миллий демократик институти бўлмиш фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жумладан, миллий демократия мактаби – маҳаллалар фақат бизнинг халқимиз турмуш тарзига, жамиятимиз ҳаётигагина хос экани ҳам шундан далолат беради.

Фуқаролик жамияти институтлари мақсад ва вазифаларининг асосий йўналиши мамлакатимизда демократик қадриятлар ва тамойиллар, инсон

хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдир. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, **«Фуқаролик жамиятининг энг асосий белгиси – бу давлатнинг вазифа-ваколатларини жамоат ташкилотларига босқичма-босқич ўтказиш орқали фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини, сиёсий маданиятини оширишдан иборат»¹.**

Шу ўринда **фуқаролик жамияти институтлари нима дегани ва улар жумласига қандай ташкилотлар киради**, деган савол туғилиши табиий.

Бу ҳақда фикр юритганда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳаллалар, сиёсий партиялар, оммавий ҳаракатлар, касаба уюшмалари, жамоат бирлашмалари ва жамоат фондлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, мустақил оммавий ахборот воситалари фуқаролик жамиятининг нафақат асосини ташкил этадиган, балки мазмун-моҳиятини ҳам белгилаб берадиган фуқаролик институтлари сирасига киришини қайд этиш мақсадга мувофиқдир².

Фуқаролик жамияти институтлари, биринчи навбатда, аҳолининг ижтимоий фаоллигини оширишда, миллий ўзликни англашда, жамият аъзоларининг сиёсий маданияти ва маънавий дунёқарашини юксалтиришда кўмаклашиши зарур. Улар кишиларимиз ҳеч кимдан кам бўлмаганлиги ва ҳеч қачон кам бўлмаслигини ҳис этиб яшашида, мустақил фикр-мушоҳада юритишида, ўз салоҳияти ва қобилиятидан самарали фойдаланишида, бир сўз билан айтганда, Ўзбекистоннинг буюк келажагини

¹ Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-кудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т. 12. – Т.: «Ўзбекистон», 2004. – 350-бет.

² Қаранг: Сайдов А.Х., Мирзо Ф. Ўзбекистон конституциявий давлат сари. – Т.: «Адолат», 2013. – 45–56-бетлар.

барпо этишга қаратилган барча саъй-ҳаракатларида ҳамюртларимизга камарбаста бўлмоғи даркор.

Фуқаролик жамияти институтлари фаолиятида демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва уларнинг қонуний манфаатлари ҳимояси алоҳида устувор аҳамият касб этиши шарт. Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришдан асосий мақсад, аввало, кишилар онгига демократик қадриятлар ва кўнилмаларни изчиллик билан сингдириб боришидир.

Бунинг замирида ўз ҳақ-хуқуқларини танийдиган, ўз кучи, салоҳияти ва қобилиятига таяниб яшайдиган, атрофида рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга мустақил ва дахлдорлик ҳисси билан муносабатда бўладиган, шу билан бирга, ўз шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган юксак маънавиятли комил инсонни шакллантириш учун барча зарур ижтимоий-иқтисодий ва ташкилий-хуқуқий шарт-шароитларни яратишига қаратилган саъй-ҳаракатлар мужассам.

Ўзбекистон учун истиқлол йиллари аҳолимизнинг кенг қатламлари қўллаб-қувватлайдиган турили хил фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг жадал шаклланиши ва ривожланиши даври бўлди. **Асосий Қонунимизда алоҳида, XIII боб ва 7 та модда бевосита жамоат бирлашмалари, яъни фуқаролик жамияти институтларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларига бағишлиянганини таъкидлаш жоиз.**

Конституциямизнинг 58-моддасига мувофиқ, давлат жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради. Давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамоат бирлашмалари

фаолиятига аралашишига, шунингдек жамоат бирлашмаларининг давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига аралашишига йўл қўйилмайди.

Шу тариқа Конституциямизда жамоат бирлашмалари, нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятига доир асосий принципларнинг мустаҳкамлаб қўйилгани барча аҳоли қатламлари манфаатларини акс эттирадиган бундай нодавлат ташкилотлар кенг тармоқларининг ривожланиши учун зарур ҳуқуқий шароит яратди.

Ўзбекистонда 1991 йили жамоат бирлашмаларининг сони 200 тани ташкил этган бўлса, 2000 йилда – 2300 та, 2010 йилда – 5100 тага етди. Бугунги кунда мамлакатимизда жамият ҳаётининг турли соҳаларида 8000 дан зиёд нодавлат нотижорат ташкилот фаолият юритмоқда¹.

Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантиришда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати Кенгашларининг **«Нодавлат нотижорат ташкилотларини, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги қўшма қарори алоҳида аҳамиятга эга бўлди.

Ўз навбатида, Олий Мажлис ҳузурида **Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди** ҳамда ушбу Жамоат фонди маблағларини бошқарадиган, таркибига ваколатли вакиллари билан бирга депутатлар, молиявий тузилмаларнинг масъул ходимлари кирган Парламент комиссиясининг ташкил қилингани

¹ Сайдов А.Х. Инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш – устувор вазифа / Куч – адолатда, 2014, 11 июль.

ва самарали фаолият олиб бораётгани эътиборга сазовордир.

Парламент комиссиясининг фаолияти «учинчи сектор» деб ном олган фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлашга давлат бюджетидан ажратилган молиявий маблағларни янада очиқ, ошкора, аниқ йўналтирилган ва энг муҳими, демократик асосда тақсимлашни таъминлаш имконини бермоқда.

Олий Мажлис ҳузуридаги Жамоат фонди томонидан грантлар бўйича берилаётган маблағлар миқдори сўнгги уч йилда 2 баробар кўпайди. Бу эса нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг ташкилий-техникавий ва иқтисодий негизини мустаҳкамлашга самарали таъсир кўрсатмоқда¹.

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг яқинда, 2013 йил 12 декабрда қабул қилинган **«Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга кўмаклашиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»**ги қарори нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллигини янада оширишга қаратилгани билан алоҳида эътиборга моликдир.

Жумладан, 2014 йилнинг 1 январидан нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун ундириладиган давлат божи миқдори 5 баравар, уларнинг рамзларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун ундириладиган йиғимлар миқдори 2,5 баравар камайтирилди. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат рўйхатидан ўтказиш

¹ Саидов А.Х. Фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш миллий тизими: Ўзбекистон тажрибаси // «Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари» журнали, 2013, 4-сон. – 4–9-бетлар. Яна қаранг: Саидов А.Х. Эришилган натижалар / «Миллий тикланиш» газетаси, 2014, 29 январь.

тўғрисидаги мурожаатлари шу вақтгача амалда бўлган икки ой ўрнига, эндиликда бир ой муддатда кўриб чиқилади.

Қарорда белгиланганидек, юридик шахслар олти ой мобайнида банк ҳисоб варақлари бўйича пул операцияларини ўтказиш билан боғлиқ молияхўжалик фаолиятини амалга оширган тақдирда уларни тугатиш учун асос бўлишини назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 53-моддаси қоидаси нодавлат нотижорат ташкилотларига жорий этилмайди.

Шу каби яна бир қатор имтиёз ва енгилликлар, такомиллаштирилган ва соддалаштирилган ташкилий-хуқуқий механизм ва тартиб-таомиллар асосида нодавлат нотижорат ташкилотлари тизимини кенг ривожлантириш, ўз навбатида, мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизациялаш бўйича ислоҳотларни амалга оширишда мазкур тизимнинг роли ва аҳамиятини тубдан кучайтиришга хизмат қиласади.

Бугунги кунда фуқаролик жамияти институтлари Ўзбекистонда демократик қадриятлар, одамларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини оширишнинг муҳим омилига айланмоқда.

Мазкур тузилмалар фуқароларимизнинг ўз салоҳиятларини рўёбга чиқариши, ўз ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириши учун шароит яратиб, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга кўмаклашаётгани, айниқса, эътиборга моликдир.

Фуқаролик жамиятини шакллантириш аввалио ижтимоий-иқтисодий жараёнлар билан боғлиқ

муайян масалаларни ҳал қилишда давлат тузилмаларининг ролини камайтириш ва бу вазифаларни босқичма-босқич жамоат бирлашмалари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказа боришни кўзда тутади.

Бундай вазиятда давлат тизимининг роли барча жабҳаларда хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида рақобат муҳитини қарор топтириш учун зарур ва ҳаммага баробар бўлган шарт-шароитлар яратишига қаратилиши лозим.

Марказий ва юқори давлат бошқарув идоралари вазифаларини давлат ҳокимиятининг қуи тузилмаларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказиб бориш ҳам ҳаётимизни эркинлаштиришнинг муҳим йўналишларидан ҳисобланади.

Мамлакатимиз ижтимоий ҳаётини ва давлат қурилишини демократлаштиришда фуқаролик жамияти институтлари ўрни ва аҳамиятини янада ошириш, уларнинг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

Чунки фақат эркин, молиявий жиҳатдан мустақил фуқаролик жамияти институтларигина ўз олдида турган вазифаларни тўлақонли адо эта олади. Бунда уларнинг давлат органлари томонидан қўллаб-қувватланиши, умуман, давлат ва нодавлат ташкилотлар ўртасида ўзаро ҳамкорликнинг кенг йўлга қўйилиши мақсадга мувофиқ, албатта.

Ўзбекистонда миллий тараққиётнинг ҳозирги босқичида фуқаролик жамияти институтлари, жумладан, маҳаллаларнинг ролини янада кучайтириш – фуқаролик жамиятини шакллантириш, демократлаштириш ва мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятияга интеграциялашуви бўйича ўз олдимизга қўйган

мақсадимизга эришишда, энг муҳими, юрт тинчлиги, ҳалқ фаровонлиги ва Ватан равнақини таъминлашдек эзгу ғоямизни рўёбга чиқаришда, ҳеч бир муболағасиз, ҳал қилувчи омилларданdir.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда маҳалла тизимини, фуқаролик жамиятининг бошқа барча институтларини шакллантириш ва эркин ривожлантириш, уларнинг жамиятни демократик ўзгартириш ва либераллаштиришда фаол иштирок этишини таъминлашнинг ташкилий-хуқуқий шароитлари, иқтисодий ва ҳуқуқий кафолатларини яратиш бўйича улкан кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Энг аҳамиятли томони – мустақиллик маҳалла тараққиётида янги – Уйғониш даврини бошлаб берди. Президент Фармони билан истиқлолнинг илк давридаёқ Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси тузилди. Маҳалла конституциявий мақомга эга бўлди ва маҳалла тизими фаолиятига доир маҳсус қонун қабул қилинди.

Айтиш жоизки, мамлакатимизда фуқаролик жамиятининг мазмун-моҳияти, аҳамияти, ҳуқуқий асосларини имкон қадар чуқур ўрганиш ишларига ҳам жиддий эътибор қаратиляпти. Жойларда бу йўналишда илмий-амалий семинарлар, ҳалқаро конференциялар, турли ўқув курслари ташкил қилинмоқда.

Мамлакатимизда изчил, босқичма-босқич амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар бугунги кунда ҳалқимиз, кенг жамоатчилик томонидан қизғин қўллаб-қувватланмоқда. Жаҳон ҳамжамияти ва демократик давлатлар Ўзбекистоннинг ўзига хос мустақил тараққиёт йўлини эътироф этмоқда.

Бу бежиз эмас, албатта. Бу – Президентимиз Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган ва амалда кенг татбиқ этилаётган «ўзбек модели» тўғри танлангани ва ҳаётда ўзини тўла оқлаётганининг яққол исботидир.



МАҲАЛЛА – ИЖТИМОЙ-МАЪНАВИЙ ҲАЁТИМИЗ КЎЗГУСИ

Маҳалла – халқимизга хос ўзини ўзи бош-қаришнинг ноёб миллий демократик тизими. Мустақиллик йилларида гина маҳалла, Президентимиз таърифи билан айтганда, «**таъсирчан ижти-моий фуқаролик идораси**»га, айни вақтда «**она юрт рамзи**»га айланди.

Бу тизим озод ва обод Ватан барпо этиш, халқ фаровонлигини таъминлашга йўналтирилган кенг кўламли демократик ислоҳотларни амалга оширишда Ўзбекистон давлати ва жамияти учун мустаҳкам таянч бўлмоқда.

Истиқлол йилларида эришилаётган барча залворли ютуқларда маҳалла институтининг роли ва аҳамияти жуда катта. Энг муҳими, бу муваффақиятлар замираida юртимиздаги тинчлик-осойишталик ва барқарорлик, ўзаро тотувлик ва ҳамжиҳатлик, халқимизнинг юксак бунёдкорлик руҳи ва ёруғ келажакка комил ишончи мужассамдир.

Ҳозирги кунда юртимизда 9 минг 756 та фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолият кўрсатмоқда. Илгари маҳаллий давлат идоралари зиммасида бўлган ўттииздан ортиқ

ваколатлар эндиликда фуқаролар йиғинлари төмөнидан амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳаллалар аҳолининг эҳтиёжманд қатламларига, боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оиласарга, жисмоний имконияти чекланган ва ёлғиз қарияларга чинакам меҳрмурувват кўрсатиш, оиласар мустаҳкамлигини таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштиришда, энг асосийси, фуқаролик жамиятини ривожлантиришда муҳим ўрин тутиб келмоқда.

Шу ўринда мустақиллигимизнинг дастлабки ийлариданоқ мамлакатимиз раҳбарининг ташаббуси билан миллий ва маънавий қадриятларни эъзозлаш ва изчил тарғиб қилиш, халқимизнинг энг яхши удум ва анъаналарини кенг оммалаштириш долзарб вазифа сифатида кун тартибидан ўрин олганини таъкидлаш жоиз.

Айниқса, юртимиз маҳаллалари ўртасида маданий ва маърифий ишларни кенг йўлга қўйиш, маҳаллаларни ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан янада мустаҳкамлаш чораларини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш масаласига алоҳида эътибор қаратила бошланди.

Бинобарин, барча ҳудудларда ҳуқуқий асосда маҳаллаларни янгидан ташкил этадиган, уларнинг фаолиятини кенг рағбатлантириб борадиган, тизимнинг энг қуи ва энг юқори бўғинларининг бошини бирдек қовуштирадиган, илғор тажрибаларини кенг тарғиб қиласиган идорага эҳтиёж туғилди. Шу маънода, **1992 йил 12 сентябрда, Президентимизнинг Фармонига мувофиқ, Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси ташкил этилгани ғоят муҳим воқеа бўлди.**

Мутахассисларнинг фикрича, ушбу Фармоннинг тарихий аҳамияти шундаки, бу муҳим дастурий ҳужжат кўп асрлик тарих, миллий анъаналарга эга, мустақиллик йилларида бутунлай янгича мазмун ва моҳият касб этган ўзини ўзи бошқариш органларининг моддий-техник базасини яратибина қолмай, уларнинг асосий вазифалари, ривожланиш йўллари ва тамойилларини белгилаб берди.

Ушбу Фармонда жамғарманинг олдига тарихан таркиб топган миллий ва маънавий қадриятларни эъзозлаш ва изчил тарғиб қилиш, халқимизнинг энг яхши удум ва анъаналарини оммалаштириш, мамлакатимиз маҳаллалари ўртасида маданий ва маърифий ишларни кенг йўлга қўйиш, шунингдек, маҳаллаларни ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан янада мустаҳкамлаш вазифалари қўйилгани айниқса таҳсинга сазовордир.

Шу тариқа **Республика «Маҳалла» хайрия жамғармасининг ташкилий тизими барпо этилди. Ўтган даврда маҳаллалар фуқаролик жамиятининг энг фаол институтига айланди. Бунда, албатта, ўзининг 14 та ҳудудий бўлимлари ҳамда 196 та туман ва шаҳар бўлинмаларига эга бўлган Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг¹ муносиб ҳиссаси бор.**

Фонд тизимида 1 минг 526 нафар ходим, шунингдек, маҳаллаларда минглаб фуқаролар йиғинларининг раислари, уларнинг маслаҳатчилари фаолият олиб бормоқда. Энг муҳими, маҳаллани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизими яратилди. Бугун бу тизимда 40 минг нафарга яқин киши маош олиб ишламоқда².

¹ Республика «Маҳалла» хайрия жамғармасининг 2011 йил 26 декабрдаги 5-ҳисобот-сайлов конференциясидан эътиборан жамғарма **Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фондидеб атала бошланди – F.M.**

² Бу ва кейинги ўринлардаги «Маҳалла» хайрия жамоат фонди фаолиятига оид маълумотлар мазкур фонддан олинган – F.M.

Замон талабларидан келиб чиққан ҳолда, маҳалла фаолларини ўқитиш тизими шакллантирилгани алоҳида эътиборга моликдир. Жумладан, кейинги йилларда мамлакатимизнинг барча туман ва шаҳарларидағи фуқаролар йиғинларининг раислари, масъул котиблари, йиғинларнинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари ҳамда «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси раҳбарларининг ўқув-семинарларини ташкил этиш яхши анъанага айланмоқда.

Қарийб 40 минг нафар маҳалла фаолларини қамраб оладиган бундай муҳим маърифий машғулотлар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, етакчи олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари, Адлия, Иқтисодиёт, Молия, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Ички ишлар вазирликлари, шунингдек, Республика Хотин-қизлар қўмитаси, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Республика Маънавият тарғибот маркази, Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳудудий бўлимларининг мамлакали ходимлари, ҳалқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги комиссияларнинг раислари томонидан олиб борилмоқда.

Мазкур ўқув-семинарларда Президентимизнинг «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси», «Юксак маънавият – енгилмас куч», «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» каби асарларининг мазмун-моҳияти синчиклаб ўрганилади. Шунингдек, Конституция ва қонунлар, Давлат дастурлари ижросини таъминлашда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг роли, соҳага тааллуқли қонун ҳужжатлари, аҳолини

аниқ йўналтирилган асосда ижтимоий қўллаб-қувватлаш, нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш тартиб-тамойиллари, фуқаролар йиғини ҳузуридаги комиссиялар фаолиятини самарали ташкил этиш каби бир-биридан аҳамиятли кўплаб масалалар кенг муҳокама этилади.

Фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида маҳалла фаолиятининг ташкилий асослари тобора такомиллашиб, унинг вазифалари кўлами изчил кенгайиб бораётган ҳозирги шароитда бундай ўқув-семинарлар орқали тизим ходимларининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий, маданий ва маънавий-маърифий билимларини мустаҳкамлаш, бошқарув маҳоратини ошириш долзарб аҳамиятга эга.

Президентимизнинг 2013 йил 10 октябрда қабул қилинган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув курсларини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори фуқаролар йиғинлари ходимларининг касбий ва бошқариш малакаларини янада ошириш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига тизимили методик ёрдамни ташкил этишга қаратилгани бунинг яққол далилидир¹.

Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди маҳаллаларнинг ижтимоий, иқтисодий, маданий ривожланишига, ташкилий тузилишига ҳам яқиндан ёрдам бериб келмоқда. Бугунги кунда маҳаллалар жойлардаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ҳудудларни ободонлаштириш каби кўплаб масалаларни самарали ҳал этмоқда.

¹ «Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари» журнали, 2014, 2-сон. – 5-бет.

Айниқса, Тошкентда 2013 йил март ойида «Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантиришда сифат ва миқдорий ўзгаришлар» мавзусида ўтказилган нуфузли конференцияда қайд этилганидек, **маҳалла аҳолини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш, оиласвий бизнес ва хусусий тадбиркорлик марказига айланмоқда.**

Фуқаролар йиғинлари ҳузурида ташкил этилган маслаҳат марказлари тадбиркорлик фаолиятини юритиш бўйича ўқув курсларини ташкил қилмоқда. Ишга жойлаштириш ва кадрларни қайта тайёрлаш, кичик корхоналарни рўйхатдан ўтказиш ҳамда банк кредитларини олиш учун ҳужжатларни расмийлаштиришга кўмаклашмоқда.

Бу йўналишда фуқаролар йиғинлари ҳузурида тузилган тадбиркорлик фаолияти ва оиласвий бизнесни ривожлантириш масалалари бўйича комиссияларнинг фаолияти катта роль ўйнамоқда. Нега деганда, тегишли ҳудудда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, оиласвий тадбиркорлик, касаначилик, ҳунармандчилик, чорвачилик, паррандачилик, деҳқончилик, шахсий томорқа хўжалигини ривожлантириш ҳамда соҳага аҳолини кенг жалб этишига қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишга кўмаклашиш айнан шу комиссиянинг мақсади этиб белгиланган¹.

Шу билан бирга, маҳаллалар том маънода аҳоли муаммоларини ечишга қодир анъанавий ўзини ўзи бошқариш институти сифатида ўзини тобора яққол намоён этмоқда.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари жамиятимизда маънавий-ахлоқий қадриятларни,

¹ Фуқаролар йиғинининг тадбиркорлик фаолияти ва оиласвий бизнесни ривожлантириш масалалари бўйича комиссияси тўғрисида намунавий Низом // Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига оид қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2014. – 108-бет.

аввало, инсонпарварлик, бағрикенглик, ўзаро ҳамжиҳатлик ва аҳиллик фазилатларини қарор топтириш, баркамол ёш авлодни тарбиялаш, маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, миллатлараро аҳиллик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш йўлида астойдил ҳисса қўшиб келмоқда.

«Маънавий ҳаётилизни юксалтириш ҳақида гапирганда, маҳалланинг роли хусусида тўхталиш албатта ўринлидир»¹, дейилади «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида. Эътиборли жиҳати шундаки, маҳаллалар бугун ўзини ўзи бошқариш идораси, ҳақиқий демократия дарсхонаси сифатида кенг қўламли фаолият олиб бормоқда.

Президентимизнинг 2006 йил 25 августда қабул қилинган **«Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самараадорлигини ошириш тұғрисида»ги Қарори** аҳоли ва ёшлар ўртасида олиб борилаётган маънавий-маърифий ишларга янгича йўналиш ва кучли туртқи беришда муҳим дастуриламал бўлди.

Бунинг натижасида маҳаллаларда «маърифат ва маънавият масалалари бўйича комиссиялар», жамоатчилик асосида фаолият олиб борадиган 7 мингга яқин тарғибот гуруҳлари, 6 мингдан ортиқ маҳаллада алоҳида «Маънавият хоналари», 3400 тадан зиёд ахборот-ресурс марказлари ташкил этилган.

Хозирги кунда Президентимизнинг асарлари, фуқаролар йиғинлари фаолиятига оид маърузалари, фармон ва қарорлари мазмун-моҳиятининг тарғиботи бўйича маҳаллаларда кенг қамровли иш олиб борилмоқда. «Маҳалла» фондининг ҳудудий бўлим ва бўлинмалари, шунингдек, маҳаллаларнинг

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: «Маънавият», 2008. – 58-бет.

бу борадаги фаолияти мунтазам ўрганилиб, эришилган ижобий ютуқлар кенг оммалаштирилмоқда.

Маҳалланинг халқимиз маънавияти билан боғлиқ жиҳатлари ҳақида гап борганда, мамлакатимиздаги ҳар қайси хонадон, ҳар бир оила, бутун эл-юртимиздаги маънавий иқлим ва вазиятни англамоқчи бўлсак, бу борадаги ҳақиқий манзаранинг ёрқин ифодасини аввало маҳалла ҳаётида худди ойнадек яққол кўриш имконига эга эканимизни эътироф этиш лозим.

Маҳаллаларнинг тинчлик ва осойишталиқ, миллатлараро тотувлик, халқимиз жипслигига қўшаётган ҳиссасини ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди. Ватанга муҳаббат, халқимизнинг бой тарихи ва маданиятини ўрганиш ҳамда асрраб-авайлаш, аҳиллик, қўшничилик, меҳр-оқибат, катталарага ҳурмат каби асл миллий фазилатлар айнан маҳаллада шаклланмоқда. Бу, ҳеч шубҳасиз, ушбу ноёб институтга бўлган ҳурмат ва ишончни янада оширади.

Аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини оширишда маҳалла фаолларининг нуронийлар, қишлоқ врачлик пунктлари ва оиласиий поликлиникалар шифокорлари ҳамда патронаж ҳамширалари билан ўзаро ҳамкорликдаги фаолияти муҳим аҳамият касб этмоқда.

Айтиш жоизки, аҳоли саломатлигини таъминлашда спортнинг аҳамияти беқиёсдир. Маҳаллалар ёшларни истиқлол ғоялари руҳида тарбиялаш, мамлакатимизда ҳаётга татбиқ этилаётган демократик ислоҳотлар моҳияти ва аҳамиятини фарзандларимизга теран тушунириш, уларни турли зарарли

оқимлар таъсиридан ҳимоя қилиш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, болалар ва ёшларни спорт билан шуғулланишга жалб этиш ишига муносиб ҳисса қўшмоқда.

Эндилиқда маҳаллаларда болаларнинг спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун барча шароитлар яратилган. Мавжуд спорт обьектларида икки миллионга яқин ўсмиirlар спортнинг турули йўналишларида маҳоратларини оширмоқда. Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ташаббуси билан ҳар йили «Футболимиз келажаги» республика турнири, «Маҳалламиз паҳлавонлари», тўрт босқичли «Ўзбек жанг санъати», уч босқичли «Шахмат ва шашка», икки босқичли «Отам, онам ва мен – спортчи оила» мусобақалари ўтказиб келинаётганини ҳам қайд этиш лозим. Ушбу мусобақаларга 2006 йилда қарийб 400 минг нафар болалар ва ўсмиirlар жалб этилган бўлса, 2012 йилдан эътиборан уларнинг сони 1 миллиондан ошган.

Бундай ижобий кўрсаткичларнинг тобора юксалиб бораётганида, ҳеч шубҳасиз, ёшларни спорт мусобақаларига жалб этиш мақсадида Фонд кўмагида тўрт миллиондан зиёд ёшлар иштирокида ўтказилган 500 мингдан ортиқ тадбирлар ўз натижасини бермоқда ва бу қувонарлидир.

Фуқаролар йиғинлари ҳузурида асосий фаолият йўналишлари бўйича комиссиялар, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар билан бир қаторда, «Маҳалла посbonи» жамоат тузилмалари фаолият кўрсатаётгани ҳам ҳудудда турли жиноятлар, ёшлар ўrtасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда қўл келмоқда.

Кези келганда, Президентимизнинг 2012 йил 9 июлда қабул қилинган **«Фуқароларнинг ўзини**

ўзи бошқариш органлари ходимлари меҳнатини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ, 2012 йилнинг 1 августидан бошлаб фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари меҳнатини рағбатлантириш борасида бир қатор амалий қадамлар қўйилганини таъкидлаш мақсадга мувофиқдир. Хусусан:

Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 13 майда қабул қилинган «Давлат хизматчиларининг меҳнатини рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармонининг меҳнат ҳақи бўйича Ягона тариф сеткаси разрядларига мувофиқ рағбатлантириш коэффициенти сифатида маошларга 20 фоизли устама ҳақ ўрнатилишини назарда тутивчи 1-бандининг амал қилиши фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари лавозимларига ҳамда «Маҳалла посбони» раҳбарларига нисбатан жорий этилди.

Иккинчидан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг лавозим маошларига алоҳида меҳнат шароитлари учун 12 фоиз миқдорида ойлик устама ҳақ ўрнатилди.

Учинчидан, таркибида маҳаллалар ташкил қилинмаган шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар фуқароларининг ўзини ўзи бошқариш органлари диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларининг лавозим маошлари меҳнат ҳақи Ягона тариф сеткаси бўйича бир разряд оширилди.

Ушбу рағбатлантириш чоралари, Президентимиз Фармони муқаддимасида қайд этилганидек, «**фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари – шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар ва маҳаллалар**

фуқаролар йиғинларининг раҳбарлари ва ходимлари меҳнатини уларнинг ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш бўйича ижтимоий аҳамиятли ишларни амалга оширишга, оила институтини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлашга, жамиятда барқарорлик ва тотувликни таъминлашга қўшган ҳиссасини эътиборга олган ҳолда янада рағбатлантириш мақсадида»¹ жорий этилгани алоҳида эътиборга лойиқдир.

Қисқа айтганда, истиқлол йилларида маҳалла Уйғониш даврига қадам қўйди. Ўтган давр мобайнида маҳалла – миллий демократия дарсхонасига, ўзлигимизни, миллий турмуш тарзимизни намоён этувчи фуқаролик жамияти институтига, том маънода, энг фаол, адолатли ва таъсирчан тизимга айланди.

Маҳалла институтиning тикланиши ва ривожлантирилиши миллий ва умуминсоний қадриятлар – яқин қўшничилик ва ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, ёрдамга муҳтож одамларга ғамхўрлик қилиш, ёшларни ватанпарварлик, жамият олдидаги ўз бурчи ва жавобгарлигини теран англаш руҳида тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, маҳалла – ижтимоий-сиёсий ҳаётимизнинг кўзгусидир, ҳалқимизнинг энг яхши анъаналари, урф-одатлари, хусусан, меҳр-шафқат, мурувват, тўйда ҳам, азада ҳам эл-улуснинг ҳамжиҳатлиги маҳалла ҳаётида ёрқин намоён бўлган ва бўлмоқда.

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2012, 28-сон, 309-модда.



ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Истиқлол шарофати билан давлатчилигимиз тарихида биринчи марта «**маҳалла**» тушунчаси Асосий Қонунимизга киритилиб, мазкур тизимнинг жамият бошқарувидаги ўрни ва конституциявий мақоми қатъий белгилаб қўйилгани ҳар қанча таҳсинга лойиқдир¹.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддасига кўра: «**Шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раисни (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди. Ўзини ўзи бошқариш органларини сайлаш тартиби, фаолиятини ташкил этиш ҳамда ваколат доираси қонун билан белгиланади»².**

¹ Саидов А.Х. Маҳалла – таъсирчан ижтимоий фуқаролик идораси/«Фуқаролик жамияти» журнали, 2013, 4-сон. – 4-бет.

² Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: «Ўзбекистон», 2014. – 58-бет.

Ҳозирги кунда маҳаллалар фаолиятини ҳуқуқий кафолатлашга қаратилган элликдан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат мавжуд ва улар мунтазам равишда такомиллаштириб борилмоқда. Ушбу қонунларнинг ҳаётимизга чуқур жорий этилиши туфайли истиқлол йилларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларнинг ривожига катта ҳисса қўшмоқда.

Шуни таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисида Президентимиз томонидан баён этилган **Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига** мувофиқ қатор янги қонунлар ишлаб чиқилмоқда. Уларнинг қабул қилиниши ва амалга оширилиши фуқаролик жамияти институтлари фаолият кўрсатадиган ҳуқуқий майдонни янада кенгайтиришга хизмат қиласди.

Концепциянинг қоида ва хulosалари асосий стратегик мақсадга эришишга – иқтисодиёти барқарор ривожланиб бораётган ва бутун дунёда ҳурмат-эътибор қозонган, инсон, унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари сўзда эмас, балки амалда олий қадрият ҳисобланувчи кучли фуқаролик жамиятига эга бўлган демократик ҳуқуқий давлат барпо этишга қаратилгани билан алоҳида эътиборга сазовордир.

Ушбу дастурий ҳужжатда, жумладан, демократик қадриятлар ва инсонларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг, мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг амалда муҳим омилига айланиши зарур бўлган нодавлат нотижорат ташкилотлар, жамоат тузилмалари ва

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, хусусан, маҳалланинг ҳуқуқ ва ваколатларини янада кенгайтириш ҳамда мустаҳкамлашга доир вазифалар белгилаб берилгани ғоят муҳим аҳамият касб этади.

Фуқаролик жамияти институтларининг янада ривожланишига эришиш, амалга оширилаётган ислоҳотларимизнинг очик-ошкоралиги ва самара-дорлигини таъминлашда, уларнинг ролини кучайтиришда «**Ижтимоий шериклик тўғрисида**»ги, «**Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида**»ги янги қонунлар, бошқа қатор қонун ҳужжатларини қабул қилиш белгилаб берилгани ҳам юқоридаги фикримизни тасдиқлайди.

Халқимиз азалдан жамоат ишлари, кўпнинг манфаати билан боғлиқ масалаларни кенгашиб, таклиф-мулоҳазалар асосида ҳал қилиб келган. Ижтимоий шерикликнинг қонуний асослари мустаҳкамланиши асрлар давомида шаклланган ана шу эзгу қадрият замонавий меъёрлар билан янада бойиши, ривожланишига шароит яратиб беради. Бу борада 2014 йил 26 сентябрда эълон қилинган «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни¹ амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўлганини қайд этиш лозим.

Мазкур Қонун 2015 йил 1 январдан эътиборан кучга киради. Янги қонун мамлакатимизда ижтимоий шерикликни ривожлантириш учун қулай муҳитни юзага келтиришга, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, уларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини янада юксалтириш учун мустаҳкам ҳуқуқий замин бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Концепция 2010 йил ноябрь ойида қабул қилинган бўлишига қарамай, ўтган қисқа вақт ичида

¹ «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни / Халқ сўзи, 2014, 26 сентябрь.

унда кўзда тутилган 50 дан зиёд қонундан қарийб 20 таси ишлаб чиқилгани ҳамда қабул қилингани диққатга лойиқдир.

Айниқса, Президентимиз таъкидлаганидек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институти – маҳалла фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштириш, унинг вазифалари кўламини кенгайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан ўзаро яқин муносабатларини таъминлаш алоҳида долзарб аҳамият касб этмоқда.

Бу ҳақда гап борганда, ҳеч шубҳасиз, «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»ни амалга ошириш доирасида 2013 йилда фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантириш бўйича қабул қилинган 2 та қонунга алоҳида тўхталиш мақсадга мувофиқдир¹.

Булардан бири – янги таҳрирда қабул қилинган **«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»**ги Қонун бўлиб, у маҳалла тизими фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришга қаратилган.

Қонун аввало аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ролини оширишга хизмат қилади. Шу мақсадда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашдаги ваколатларини аниқлаштиришга қаратилган нормалар киритилган.

Қонун билан фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг аҳолининг ижтимоий начор қатламларини қўллаб-қувватлаш дастурларини амалга

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т.: «Ўзбекистон», 2010.

оширишдаги, кам таъминланган оиласарнинг фарзандлари бўлган ёшлар никоҳдан ўтаётганида ҳамда тўй тантаналарини ўтказаётганида уларга моддий ёрдам кўрсатиш, боласи икки ёшга етмаган, ишламаётган оналарга ва уларнинг ўрнини босувчи шахсларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш каби ваколатлари анча кенгайтирилган.

Бундан ташқари, фуқаролар йиғинларининг кенгашларига аҳолини, шу жумладан, ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтоҷ ёлғиз қолган кекса фуқароларни, пенсионерлар ва ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилиш, ёшларга ишга жойлашишда кўмаклашиш масалаларида қўшимча ваколатлар берилган.

Бу Қонуннинг энг муҳим мақсади – фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг жамоатчилик назорати соҳасидаги, шу жумладан давлат органлари фаолияти устидан жамоат назоратини амалга ошириш тизимидағи вазифаларини янада кенгайтиришdir.

Шунинг учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига тегишли ҳудуддаги тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манбаатларига риоя этилиши устидан, коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш сифати устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш бўйича янги таҳрирдаги Қонунда қўшимча ваколатлар берилган.

Бундан ташқари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш шакллари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги кафолатлари мустаҳкамланган.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини хусусий тадбиркорлик, шу жумладан оиласвий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантириш марказига айлантириш – Қонуннинг муҳим мақсадларидан яна бири ҳисобланади.

Бу борада фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига фуқаролар йиғини ҳудудида хусусий тадбиркорлик, шу жумладан оиласвий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантиришга кўмаклашиш, тегишли маслаҳат марказларини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилиш бўйича қўшимча ваколатлар бериш; фуқаролар йиғинлари ҳузуридаги маслаҳат марказларининг вазифа ва ваколатларини белгилаш кўзда тутилган.

Хусусан, маслаҳат марказларининг тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилмоқчи бўлган фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчилар учун:

биринчидан, қисқа мuddатли курслар ташкил этиши;

иккинчидан, тадбиркорлик фаолияти субъектлари учун мавжуд имтиёзлар ва преференциялар ҳақида маълумот бериши;

учинчидан, ёшларнинг ишга жойлашишига, уларнинг ташкилотлар ҳамда ҳунармандларга биритирилишига кўмаклашиши эндиликда қонунлаштирилди.

Шунингдек, Қонунга маслаҳат марказларининг фуқаролар йиғинида яшовчиларга тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишда кўмаклашиши; тегишли ҳудудда тадбиркорлик фаолияти субъектлари, шу жумладан оиласвий тадбиркорлик ва ҳунармандчилик субъектларига қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёзлар, преференциялардан фойдаланишида, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга

кредит олиш учун тегишли ҳужжатларни тайёрлашда кўмаклашиши ҳақидаги қоидалар киритилди.

Бундан ташқари, маслаҳат марказлари фаолиятини ташкил қилишда давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг фуқаролар йиғини билан ҳамкорлиги ҳақидаги нормалар белгилаб қўйилди.

Қонунда булардан бошқа яна бир қатор янги нормалар ҳам мустаҳкамлангани диққатга моликдир:

Биринчидан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг мулк ҳуқуқи кафолатларини белгилаш;

Иккинчидан, фуқаролар йиғини раисининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилиши мумкин бўлган ҳолатларни кенгайтириш;

Учинчидан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ишлари бўйича мувофиқлаштириш кенгашларини шакллантириш тартибини ҳамда уларни тузишга ваколатли органларни аниқлаштиришга доир қоидалар шулар сирасига киради.

Бугунги кунда янги таҳрирдаги Қонун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг жамиятдаги роли ва аҳамиятини янада ошириш, жумладан тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтоҷ қатламини қўллаб-қувватлашга хизмат қилмоқда.

Мазкур соҳада «**Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»**ги Қонун ҳам янгитаҳрирда қабул қилинди. Ушбу норматив-хуқуқий ҳужжат фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган. Қонун ушбу соҳанинг учта муҳим йўналишига оид вазифаларнинг ечимига йўналтирилган.

Биринчи йўналиш – фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини

ташкил этиш ва ўтказиш масалаларида ҳокимиятнинг вакиллик органлари, аввало, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг роли ва масъулиятини янада ошириш.

Бу мақсадда бир томондан – сайловни ўтказиш муддатларини белгилашга масъул орган сифатида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгашини белгилаш; иккинчи томондан – фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича ишчи груҳи таркибига тегишли туман (шаҳар) ҳалқ депутатлари Кенгашларининг депутатлари киритилиши мумкинлиги кўзда тутилган.

Иккинчи йўналиш – сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш учун бевосита масъул бўлган органларнинг ваколатларини янада аниқлаштириш. Бу борада:

Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгаши томонидан тегишли фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссия ташкил қилинишини ҳамда унинг асосий вазифаларини белгилаш, бу – сайловлар ўтказилишининг шаклланган амалиётига мувофиқdir ва сайловларнинг ташкил қилиниши ҳамда ўтказилишининг тизимлилигини таъминлашга қаратилган;

иккинчидан, ишчи грухига ҳовлилар, уйлар, кўчаларда яшовчиларнинг фуқаролар вакилларини сайлаш юзасидан умумий йиғилишини ташкил этиш ва ўтказиш; сайланган фуқароларнинг вакиллари ҳақидаги маълумотлар кўрсатилган фуқаролар йиғини (вакиллар йиғилиши)нинг баённомасини тузиш; тегишли комиссияга тақдим этиш учун фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари

вазифасига номзодлар юзасидан таклифлар тайёрлаш бўйича қўшимча ваколатлар бериш.

Учинчи йўналиш – фуқаролар йиғини раиси номзодига қўйиладиган талабларни янада кучайтириш.

Қонунда фуқаролар йиғини раислари ва уларнинг маслаҳатчилари этиб энг муносиб, катта ҳаётий тажрибага эга бўлган ва аҳолининг ҳурмат ва ишончига сазовор бўлган фуқароларнинг сайланишини таъминлаш мақсадида бу лавозимга номзодларга қўйиладиган қўшимча талаблар ҳамда чекловлар белгиланган.

Масалан, номзодларнинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига мансублиги; фуқаролар йиғини раиси вазифасига номзоднинг камида беш йиллик ўтроқлик цензи; давлат органлари ёки нодавлат но-тижорат ташкилотлардаги ёхуд хўжалик ва тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги иш тажрибасига эга бўлиши; юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга бўлиши шулар жумласидандир.

Қонунга яна бир қатор янги нормалар киритилган. Хусусан, фуқаролар йиғини органларини шакллантириш муддатлари аниқлаштирилган; фуқаролар йиғини раиси вазифасига кўрсатилган номзодлар сайловнинг бошланишидан аввал фуқаролар йиғини олдида чиқиш қилиб, келажакдаги ўз фаолиятининг дастурини эълон қилиши белгиланган.

Қонун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқини амалга оширишнинг очиқлигини кучайтириш, фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайлови тизимини янада такомиллаштириш ҳамда демократлаштириш, шунингдек, сайловларни ўтказиш сифатини оширишга қаратилган.

Мухтасар айтганда, янги таҳрирдаги ҳар икки қонуннинг амалиётга татбиқ этилиши фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг жамиятдаги роли ва аҳамиятини янада ошириб, маҳалладек қадимий ва ноёб институтнинг ҳозиргача тўлиқ фойдаланилмаган салоҳиятидан кенг миқёсда самарали фойдаланиш учун қулай имконият яратди.



МАҲАЛЛА – ХАЛҚ ВИЖДОНИ

Маълумки, эски тузум даврида аҳолининг ҳаётий манфаатларига дахлдор бўлган барча муҳим ҳужжатлар ҳамда қарорлар жамоатчиликдан яширинча тайёrlанган ва қабул қилинган. Бундай қарорлар ижроси устидан зарур назоратнинг мавжуд эмаслиги сабабли эса улар деярли бажарилмай, ўлда-жўлда қолиб кетаверган. Янада ёмон томони, бу борадаги ижтимоий фикр наинки ҳисобга олинмаган, ҳатто писанд ҳам қилинмаган.

Ана шундай яроқсиз одатга 1989 йилнинг 23 июнидан, яъни Ислом Каримов Ўзбекистон раҳбари сифатида фаолият бошлаган кундан эътиборан барҳам берилди. Юртимизда энг муҳим қарорлар маҳалла фаоллари, олимлар ва мутахassisлар билан биргаликда, матбуотда батафсил муҳокама этила бошланди.

Юртбошимиз ўша даврдаёқ таъкидлаганидек: «**Биз жамоатчилик фикри билан ҳисоблашишга, халқ анъаналарини эҳтиёт қилиб асрарга бурчлимиз**»¹. Шундан буён мамлакатимизда

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: «Ўзбекистон», 2011. – 108-бет.

ижтимоий фикр, жамоатчилик назорати масалалари давлат ва жамият қурилишида муҳим ўрин эгаллаб келмоқда.

Жамоатчилик назорати – фуқаролик жамиятининг ажралмас белгиси. Фуқаролик жамиятини шакллантиришда, айниқса, давлатнинг иқтисодий соҳага, хўжалик юритувчи тузилмалар, биринчи навбатда, хусусий сектор фаолиятига аралашувини чеклаш ҳамда қонунлар ижроси бўйича давлат ҳокимияти органлари устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш билан боғлиқ масалалар алоҳида устувор аҳамият касб этади.

Бунда давлатнинг назорат функцияларини қанча кучайтирасак, назорат билан шуғулланувчи давлат тузилмалари ва органларини қанча кўпайтирасак, амалдорларнинг зўравонлиги ва коррупция шунча авж олаверади, шунинг учун биз жамоатчилик назоратини ҳар томонлама кучайтиришга алоҳида эътибор қаратишимииз лозим, дея Ўзбекистон Президенти томонидан билдирилган фикрлар дастуриламалдир.

«Жамоатчилик назорати» феноменининг туб моҳиятини таърифлашда барча жамоат ташкилотлари, маҳалла оқсоқоллари, халқ депутатлари ва фаоллар амалга оширилаётган ислоҳотлар суръатини, уларнинг сифатини, ислоҳот бошида турган раҳбарларнинг ғайратини, лаёқатини холисона ўрганиб, холисона назорат қилиб, уларнинг ютуқларини эътироф этиб, камчиликларини рўй-рост очиб ташлаши кераклигини ҳисобга олиш даркор.

Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги маърузасида таъкидланганидек, жамоат ташкилотларининг обрўси ошиб, мустаҳкамланиб боргани сари фуқаролик жамияти институтларининг давлат

ва ҳокимият тузилмалари фаолияти устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги роли жамиятимизда тобора ортиб бормоқда.

Бугунги кунда жамоатчилик ва фуқаролик назорати институти жамиятнинг давлат билан ўзаро самарали алоқасини таъминлаш, одамларнинг кайфиятини, мамлакатда кечеётган ўзгаришларга муносабатини аниқлашнинг муҳим воситаларидан бирига айланмоқда.

Узоқ ўтмишда шаклланган ноёб жамоат институти бўлган маҳалла тизими бугунги кунда **«маҳалла – халқ виждони»** деган муносиб таърифга тўла жавоб беришини ва жамиятимиздаги ислоҳотлар учун мустаҳкам таянч бўлиб хизмат қилаётганини таъкидлаш лозим. Табиийки, бу таъриф одамларнинг дардини, кундалик ўй-ташвишларини яқиндан тушунишда, уларнинг оғирини енгил қилишда энг халқчил идора бўлган маҳалла тизимига нисбатан юксак ишонч, демакдир.

Ўзбекистонда маҳалла институтига фуқаролик жамияти тизимишдаги ҳал қилувчи бўғин сифатида қаралаётганининг муҳим сабабларидан бири шундаки, маҳаллалар давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш бўйича кенг қонуний ваколатларга эга.

Айниқса, жойларда фуқаролар йиғинларининг жамоатчилик назорати ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича комиссиялари тузилгани жуда қўй келмоқда. Чунки, тегишли фуқаролар йиғини ҳудудида қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш, истеъмолчилар ҳуқуқлари ва манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш учун кенг жамоатчиликни жалб этиш, аҳолининг ҳуқуқий ва истеъмол маданиятини оширишга доир ишларни

фаоллаштиришга кўмаклашиш айни шу комиссияларнинг асосий вазифаси ҳисобланади¹.

Хозирги кунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўз ҳудудларида жамоатчилик назорати доирасида бир қатор вазифаларни самарали амалга ошириб келмоқдаки, улардан айримларига тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Биринчиси – тарбияга оид масалалар.

Ёш авлод тарбиясининг ижобий шаклланишида маҳалланинг ўрни ниҳоятда каттадир. Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, маҳалла раиси ва фаолларининг таълим-тарбия бўйича масъулияти мактаб ўқитувчиларининг масъулиятидан ортиқ бўлса борки, асло кам эмас.

Ушбу йўналишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари жамоатчилик назоратини ёшларнинг оиласидаги хулқ-атворидан тортиб, мактабгача таълим муассасалари, мактаблар, ўрта маҳсус касб-хунар таълими муассасаларидаги таълим-тарбияни ҳам қамраб олган ҳолда амалга оширади. Шу мақсадда маҳалла фаолларининг ота-оналар билан, мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари, ўқитувчи ва мураббийлар билан узвий ҳамкорликда иш олиб бориш орқали баркамол авлод тарбиясида фаол иштирок этиши тақозо қилинади.

Зеро, боланинг бегонаси бўлмайди. Президентимиз таъбири билан айтганда, «**соғлом бола тарбиясида маҳалла ва ижтимоий тузилмаларнинг катта ўрни ва таъсири бор**»². Халқимизнинг

¹ Фуқаролар йиғинининг жамоатчилик назорати ва истеъмолчиларнинг ҳукуқларини ҳимоя қилиш бўйича комиссияси тўғрисида намунавий Низом // Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига оид қонун ҳуҷжатлари тўплами. – Тошкент, 2014. – 123-бет.

² Каримов И.А. Амалга ошираётган ислоҳотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш – ёруғ келажагимизнинг асосий омилидир / Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганинг 21 йиллигига бағишиланган тантанали маросимдаги маъруzasи // Халқ сўзи, 2013, 7 декабрь.

«Бир болага етти маҳалла ҳам ота, ҳам она» деган мақолида, албатта, чуқур маъно мужассам. Ибратли, намунали оиласа, мактабда ёхуд маҳаллада вояга етаётган ўғил-қизлар келажақда ўзи каби юзлаб-минглаб ёшларни ортидан эргаштиради. Таълимтарбиянинг мақсади ҳам аслида шу.

Тарбия борасидаги жамоатчилик назорати доирасида, жумладан, маҳаллаларда миллий қадрият ва урф-одатларнинг ёшлар тарбиясидаги ўрни, уларни турли мағкуравий хуружлардан ҳимоя қилиш, мамлакатимиз мустақиллиги ва ҳаётимизга хавф туғдириши мумкин бўлган иллатларга қарши манзилли тарғибот-ташвиқот ишлари, таъсирчан амалий чора-тадбирлар йўлга қўйилгани муҳим аҳамиятга эгадир.

Бу борада фуқаролар йиғинларида маърифат ва маънавият масалалари бўйича комиссиялар иш олиб бораётганини таъкидлаш лозим. Комиссиянинг мақсади фуқаролар йиғини ҳудудида маънавий асосларни мустаҳкамлаш, тарихан таркиб топган миллий ва маънавий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, халқимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига Ватанга муҳаббат, миллий истиқлол ғоясига садоқат руҳини сингдириш, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш борасида фуқаролар йиғинларида ўтказилаётган оммавий-сиёсий, маънавий-маърифий, маданий ва тарбиявий тадбирларнинг амалга оширилишига кўмаклашишдан иборат¹.

Иккинчиси – тегишли ҳудудда жамоат тартибини таъминлаш, шу жумладан, ўсмирлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини

¹ Фуқаролар йиғинининг маърифат ва маънавият масалалари бўйича комиссияси тўғрисида намунавий Низом // Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига оид қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2014. – 79-бет.

олиш ва вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш. Сир эмаски, жойларда рўй бераётган воқеадан биринчи навбатда маҳалла аҳли хабар топади. «Шу нуқтаи назардан қараганда, маҳалла оқсоқоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, маҳалла посбонларининг жамиятимиз ҳаётида тинчлик ва осойишталик, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик, ҳушёрлик ва огоҳлик мухитини мустаҳкамлашдаги масъулияти янада ортади»¹.

Ҳақиқатан ҳам, маҳалла ҳудудида жамоат тартибини, тинчлик-тотувликни таъминлашда, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда маҳалла фаолларининг ҳиссаси катта. Бу йўналишда жамоатчилик назоратини ўрнатишида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига кўмаклашиш учун давлат органлари билан ҳамкорликда фаолият юритадиган «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмалари ҳамда оқсоқоллар, фахрийлар, аёллар ва ёшлар вакилларидан иборат ярашириш комиссиялари тузилгани ва маҳаллаларда самарали иш олиб бораётганини қайд этиш даркор.

Мисол учун, биргина «Маҳалла посбони» жамоат тузилмалари томонидан олиб борилган аниқ мақсадли, изчил саъй-ҳаракатлар натижасида 2006 йилда 1 минг 269 та маҳаллада мутлақо жиноят содир этилмаган бўлса, 2013 йилда 2 минг 230 та маҳаллада умуман қонун бузилиши ҳолатлари кузатилмаган².

Албатта, бунда фуқаролар йиғинларининг вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича

¹ Каримов И.А. Амалга ошираётган ислоҳотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш – ёруғ келажагимизнинг асосий омилидир / Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганинг 21 йиллигига бағишиланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи, 2013, 7 декабрь.

² Инсон ва қонун, 2014, 15 апрель.

комиссиялари томонидан амалга оширилаётган ишлар муҳим аҳамият касб этади. Зотан, ҳудуддаги вояга етмаганлар ва ёшларнинг маънавий-маърифий етук бўлиб вояга етишларига, оммавий равишда спорт билан шуғулланишларига, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга қўмаклашиш, улар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга ошириш ушбу комиссияларнинг мақсади этиб белгиланган¹.

Учинчиси – фуқароларнинг диний эътиқод эркинлиги ҳуқуқларига риоя этилишини таъминлаш. Бу борадаги жамоатчилик назорати ҳам тегишли органлар ва маҳалла посбонлари билан ҳамкорликда ўрнатилиб, турли зарарли оқимлар ёшларнинг онгини заҳарлаб, уларни ўз домига оғдиришининг олдини олишда, қисқа айтганда, маҳаллада тинчлик-осойишталикни сақлашда катта аҳамият касб этади.

Бу соҳадаги жамоатчилик назорати оиласда ота-оналарнинг фарзандларига бераётган тарбиясини ўрганиш, таълим муассасаларида мураббий ва ўқитувчиларнинг тарбиявий-ахлоқий ишларни олиб боришини таҳлил қилиш ҳамда маҳаллада, тадбирларда фуқароларнинг дин ва виждан эркинлигини камситувчи, чекловчи ноқонуний хатти-ҳаракатларни ўрганиш, дин соҳасида етарли билимга эга бўлмаган шахслар билан кенг тушунтириш ишларини олиб бориш каби масалаларни қамраб олади.

Бунда, ҳеч шубҳасиз, мамлакатимиз раҳбарининг оила ва маҳалла ҳозирги ўтиш давридаги кўпгина муаммоларни ҳал этишда, азалий яхши одатлар билан фойдали янгиликларни бирга қўшишда

¹ Фуқаролар йиғинининг вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссияси тўғрисида намунавий Низом // Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига оид қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2014. – 99-бет.

аҳолига ёрдам бермоқда, деган фикрларидан келиб чиққан ҳолда иш олиб бориш мақсадга мувофиқdir.

Фуқаролар йиғинларининг яраштириш комиссиялари томонидан бу борада амалга ошириладиган ишлар айниқса диққатга молик. Бу комиссиялар, жумладан, миллий қадриятларимизга зид ҳолда мунтазам равишда нотинч яшаётган, қўни-қўшничилик муносабатлари ҳамда маҳалладаги осойишталикнинг бузилишига сабабчи бўлаётган оиласларни, турли ножӯя хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш мақсадида оиласларнинг турмуш тарзи ва муҳитини ўрганиб, маънавий муҳитга салбий таъсирир кўрсатувчи омилларга барҳам бериш чораларини кўради.

Ушбу комиссияларнинг асосий вазифалари қаторига, шунингдек, ички ишлар органларининг профилактик ҳисобида турган, айниқса, илгари судланган, оиласда ва турмушда мунтазам равишда ҳуқуқбузарликларга йўл қўювчи, турли ёт ғоялар таъсирига тушиб қолган шахслар билан профилактика ишларини олиб боришда иштирок этиш ҳам киради¹.

Бундан ташқари, фуқаролар йиғинларининг маърифат ва маънавият масалалари бўйича комиссиялари диний экстремизм, диний ақидапарастлик ва миссионерликнинг келиб чиқиш сабабларини ўрганиш, уларнинг салбий оқибатларини тушунтириш, шунингдек, уларнинг олдини олиш, аҳолини ҳушёрлик ва огоҳликка даъват этишга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга оширмоқда².

¹ Фуқаролар йиғинининг яраштириш комиссияси тўғрисида намунавий Низом // Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига оид қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2014. – 73-бет.

² Фуқаролар йиғинининг маърифат ва маънавият масалалари бўйича комиссияси тўғрисида намунавий Низом // Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига оид қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2014. – 80-бет.

Тўртингчиси – хотин-қизларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий ҳаётда, оиласда маънавий-ахлоқий муҳитни шакллантиришдаги, ёш авлодни тарбиялаш ишидаги мавқеини ошириш. Бу йўналишда самарали жамоатчилик назоратини таъминлаш масаласи, биринчи навбатда, фуқаролар йиғинларида фаолият олиб бораётган 8 минг 505 нафар диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар зиммасига катта масъулият юклайди.

Шунингдек, бу муҳим масала яна 210 нафар фаол аёлларимиз, яъни Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг ҳудудий бўлим ва бўлинмаларида ишлаётган оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича бош мутахассислардан ҳам ўз ишига фидойилик билан ёндашини талаб этади.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, «Айниқса, қиз болаларни тарбиялаш, уларнинг замонавий билим ва касб-хунарларни эгаллашига ёрдам бериш, эрта никоҳларнинг, оиласвий низоларнинг олдини олиш, урф-одат ва маросимларни ихчам ва тартибли ўтказиш каби вазифаларни ҳал қилишда биз кўпни кўрган, тажрибали маҳалла фаолларига таянамиз»¹.

Шуманода, ҳар бир фуқаролар йиғини ҳудудида хотин-қизларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида фуқаролар йиғинининг хотин-қизлар билан ишлаш бўйича комиссияси тузилгани эътиборга лойиқдир. Бу комиссияларнинг зиммасига, жумладан, оиласларда маънавий-ахлоқий муҳитни мустаҳкамлаш,

¹ Каримов И.А. Амалга ошираётган ислоҳотларимизни янада чукурлашибиршиш ва фуқаролик жамияти қуриш – ёруғ келажагимизнинг асосий омилидир / Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганинг 21 йиллигига бағишиланган тантанали маросимдаги маъруzasи // Халқ сўзи, 2013, 7 декабрь.

ёш авлодни тарбиялаш, хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, уларнинг ижтимоий ҳаётдаги, оиласда маънавий-ахлоқий муҳитни шакллантиришдаги ўрнини ошириш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилишига кўмаклашиш билан боғлиқ масъулиятли вазифалар юклатилган¹.

Ушбу жараён давлат ва жамият қурилишида хотин-қизларнинг ролини кучайтириш, жумладан, уларни ижтимоий-ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш, касбий, жисмоний, маънавий ва интеллектуал жиҳатдан камол топтириш, иш билан таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш, меҳнат ва ўқиш шароитларини яхшилаш, саломатлигини муҳофазалаш масалаларини қамраб олади. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, мустаҳкам оиласи шакллантириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш масалалари ҳам шулар қаторига киради.

Бунда, шунингдек, жойларда миллий-маданий анъаналарни тушунтириш ва уларга риоя қилиш, оналар, опа-сингиллар, қизларимизнинг конституциявий ҳуқуқларини рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилиш, бузғунчи кучларнинг хотин-қизлар онгига таъсир ўтказиш йўлидаги уринишларига қарши қаратилган тарғибот ишларини самарали ташкил этиш кўзда тутилади.

Шуни ҳам айтиш керакки, 2006-2011 йиллар мобайнида бу борада олиб борилган самарали ишлар туфайли оиласи ажримлар сони қарийб 50 фоизга камайишига эришилган. Бундан ташқари, нотинч оиласлар – 30, аёллар ўртасида жиноятчилик ва гиёҳвандлик ҳолатлари – 25 фоизгача камайган. Бу

¹ Фуқаролар йиғинининг хотин-қизлар билан ишлаш бўйича комиссияси тўғрисида намунавий Низом // Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига оид қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2014. – 92-бет.

борадаги кўрсаткичлар йилдан-йилга изчил яхшилашиб бораётгани эътиборга лойикдир.

Бешинчиси – ҳудудларда тўйлар ва бошқа маросимларнинг миллий қадриятлар асосида ихчам ҳамда батартиб ўтказилишини таъминлаш. Маълумки, тўй-ҳашам ҳам, маърака-маросим ҳам миллий маънавиятнинг ажralмас қисми ҳисобланади. Шунинг учун бу борада ҳар бир халқнинг ўз мероси, анъаналари ва қарашлари мавжуд.

Маҳаллалар томонидан бу йўналишдаги жамоатчилик назорати тегишли ҳудудда яшайдиган фуқароларга азалий қадриятларимиз, урф-одатларимиз ва анъаналаримизнинг ҳақиқий моҳиятини ҳаётий, таъсирчан мисолларда мунтазам тушунтириш ишларини олиб бориш, тўй-маъракаларга доир зарур маслаҳатлар бериш, замон талабларига мос, халқимиз урф-одатларига мувофиқ келадиган янги, намунавий анъаналарни жорий этиш орқали амалга оширилади.

Бу борадаги амалий ишларга мисол сифатида кейинги беш йил мобайнида оиласларни мустаҳкамлаш, ёшлар, айниқса, янги оила қуриш арафасида турган йигит-қизлар ўртасида тўй ва маросимларни рисоладагидек ўтказишга доир 15 мингтадан ортиқ тадбир ташкил этилгани ва бу тарғибот тадбирларига қарийб З миллион нафар аҳоли, жумладан, ёшлар жалб этилганини кўрсатиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 28 октябрда қабул қилинган фармонида ҳам айнан шу жиҳатлар эътиборга олинган ҳолда, тўй-ҳашамлар, оиласвий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумлар хотираларига бағишланган тадбирларнинг анъана ва қадриятларимизга мос

ҳолда ихчам ва батартиб ўтказилиши лозимлиги ўз аксини топган.

Фармонда белгиланган вазифаларни бажариш борасида ўтган даврда бир қатор амалий ишлар қилинди. Натижада оиласи тантана ва маросимлар анча ихчамлашгани халқимиз томонидан мамнуният билан эътироф этилмоқда.

Фуқаролар йиғинларининг яраштириш комиссиялари тўйлар ва бошқа маросимларни ихчам, кенг аҳоли манфаатларини, миллий қадриятларимиз ва ибратли анъаналаримизни ҳисобга олган ҳолда ўтказишни аҳоли ўртасида тарғиб қилиш ва бу борадаги ижобий тажрибаларни оммалаштириш масалалари билан ҳам шуғулланади¹.

Хозирги кунда баъзи ҳолларда яна дабдабабозлик ва исрофгарчилик ҳолатлари учраб қолаётганини эътиборга олиб, Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши 2012 йил май ойида «Тўй-ҳашамлар, оиласи тантаналар, маърака ва маросимларни тартибига солиш тўғрисида» қарор қабул қилди.

Қарорда Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Нуроний» жамғармаси, Республика Маънавият тарғибот марказининг Тошкент шаҳар бўлимлари, шаҳар хотин-қизлар қўмитасининг бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлар билан биргаликда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди шаҳар, туман бўлимлари ва барча маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳузурида тўй-ҳашам, маросим ва оиласи тадбирларни мувофиқлаштирувчи **«Жамоатчилик кенгаши»** тузиш таклифи маъқулланди.

Ушбу кенгашлар зиммасига бир қатор масъулиятли вазифалар юклатилган. Тўй-ҳашамлар, оиласи

¹ Фуқаролар йиғинининг яраштириш комиссияси тўғрисида намунавий Низом // Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига оид қонун хужжатлари тўплами. – Тошкент, 2014. – 73-бет.

вий тантаналар, марҳумлар хотирасига бағишлиланган тадбирларни ўтказишда шухратпаратлик, дабдаба-бозлик, исрофгарчиликка йўл қўйиш, урф-одатларни месимаслик, ўзини кўз-кўз қилиш, атрофда яшаётган одамларнинг ҳол-аҳволини инобатга олмаслик каби халқимизга хос бўлмаган салбий иллатларнинг олдини олиш, уларга чек қўйишга қаратилган таъсирчан чоралар кўриш шулар жумласига киради.

Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими ҳузуридаги «Жамоатчилик кенгashi»нинг марҳумларни хотирлаб ўтказиладиган маросимлар юзасидан ҳам тавсиялари ишлаб чиқилган.

Бошқа ҳудудларнинг ҳар бирида шундай «Жамоатчилик кенгashi» тузиш ва улар томонидан ҳудди шундай тавсияларни ишлаб чиқиш, шу орқали тўй ва маросимларимизни ихчам ўтказиш устидан жамоатчилик назоратини янада самарали амалга оширишда пойтахт тажрибаси қўл келишига аминмиз.

Миллий қонунчилигимизда маҳалла тизими-га шу каби жами йигирмадан ортиқ йўналишларда жамоатчилик назоратини амалга ошириш билан боғлиқ ваколатлар берилган.

Жумладан, илгари маҳаллалар асосан фуқароларнинг мурожаатлари асосида иш қўриб келган бўлса, бугунги кунда улар йилнинг ҳар чорагида туман, шаҳар ва вилоят ҳокимлари раҳбарларининг фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти доирасига кирувчи масалалар юзасидан ҳисботларини, шунингдек, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ободонлаштириш масалалари бўйича тегишли ҳудудда жойлашган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар раҳбарларининг ҳисботларини эшитиш ҳуқуқига эга.

«Фуқаролар йиғинининг экология ва табиатни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзор-

лаштириш бўйича комиссияси тўғрисида намунавий Низом»да белгиланганидек, мазкур «Комиссиянинг мақсади атроф муҳитни муҳофаза қилиш, фуқаролар йиғини ҳудудининг санитария ва экология ҳолатини назорат қилиш, уни ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш, аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга доир чора-тадбирларни амалга оширишга кўмаклашишдан иборат»¹.

Ҳақиқатан ҳам, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органдари тегишли ҳудудда ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш, савдо ва майший хизмат кўрсатиш корхоналари ишини ташкил қилишга ёрдамлашмоқда. Жойларда савдо қоидаларига ва фуқароларга хизмат кўрсатиш маданиятига риоя этиш, аҳоли пунктлари, сув таъминоти манбалари, уй-жойлар, мактаблар ва бошқа таълим муассасаларининг санитария ва экологик ҳолати билан боғлиқ соҳаларда жамоатчилик назоратини амалга ошириш масалаларида муайян тажриба тўпланмоқда².

Ҳозирги вақтда маҳаллалар ёнғиндан сақлаш талаблари, чорва молларини боқишининг ветеринария қоидалари, уй-жойлар қуриш ҳамда ҳовлилар, уй атрофларини ораста сақлаш қоидаларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширмоқда. Тегишли ҳудудда жамоат тартибини сақлашда, хусусан, фуқароларнинг келиши ва кетишини ҳисобга олишни ташкил этишда, ўсмиirlар ва ёшлар ўртасидаги ҳукуқбузарликларни профилактика қилиш, вояга етмаганларнинг ҳукуқларини ҳимоя қилишда ҳукуқни муҳофаза қилувчи органларга ёрдам бермоқда³.

¹ Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига оид қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2014. –115-бет.

² «Фуқаролик жамияти» журнали, 2012, 3-сон. – 17-бет.

³ «Фуқаролик жамияти» журнали, 2012, 3-сон. – 18-бет.

Бинобарин, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, «Ўғил-қизларимизни турли тўгаракларга жалб этиш, кам таъминланган оиласаларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш, ўз ҳудудида тадбиркорликни ривожлантириш ва яна бошқа масалалар бўйича маҳалла фаолиятини кучайтириш, уларга янги ваколат ва имкониятлар бериш лозим»¹.

Шу ўринда келгусида маҳаллаларда қонунларнинг бажарилиши бўйича жамоат эшитуви ўтказишни ҳам йўлга қўйиш керак, деб ўйлаймиз. Бундай ваколатнинг амалга оширилиши наинки қонун талаби, айни вақтда бугунги давр тақозоси ҳамдир.

¹ Каримов И.А. Амалга ошираётган ислоҳотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятия қуриш – ёруғ келажагимизнинг асосий омилидир / Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганинг 21 йиллигига бағишлиланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи, 2013, 7 декабрь.



МАҲАЛЛА – ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ВА ҲАМКОРЛИК МАСКАНИ

Ўзбекистонда аҳолини, айниқса, унинг ёрдамга муҳтож қисмини маҳалла орқали ижтимоий ҳимоя қилишнинг ноёб амалиёти тобора такомиллашиб бораяпти. Кам таъминланган оиласлар, ёлғиз қариялар, ногирон ва етимларни моддий қўллаб-қувватлаш маҳалла орқали аниқ мақсадга йўналтирилган тарзда амалга оширилмоқда.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг хайрли ишлари фуқаролар уйларини таъмирлаш, кам таъминланган оиласларга қорамоллар ажратиш, уларнинг фарзандлари учун ёзги дам олишни ташкил этиш, тўйларини ўtkазишда ҳам на-моён бўлмоқда.

Жумладан, биргина кейинги беш йилда Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди томонидан 5 мингдан ортиқ эҳтиёжманд ёш оиласларнинг тўйлари ўтказиб берилган.

Ҳақиқатан ҳам, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ташкил топган дастлабки кунлардан бошлаб давлат ва нодавлат ташкилотлар, ҳомийлар ва кенг жамоатчиликнинг қўллаб-қувватлаши билан миллий қадриятларни, анъаналарни асраб-авайлаш

ва бойитишига, бозор иқтисодиёти шароитида маҳаллаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга, жамиятда инсонпарварлик муносабатларини тарғиб қилиш учун кўмаклашишга астойдил киришгани бугун ўз самараларини бермоқда.

Маълумки, «ўзбек модели»нинг машҳур беш тамойилидан бири – кучли ижтимоий ҳимоя сиёсатини амалга оширишdir. Бу, аввало, кам таъминланган оиласарга, ногиронларга, кексаларга ва ёлғиз қарияларга нисбатан инсонпарварлик ва меҳр-шафқат муносабатида бўлиш ғояларини тарғиб қилиш, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатишни назарда тутади.

Шу маънода, Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ўз фаолиятида маҳаллалар орқали иқтисодий ночор оиласардан доимо хабардор бўлиш; кам таъминланган, кўп болали оиласар, ёлғиз қариялар, ногиронлар аҳволини ўрганиб, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш каби асосий принципларга таяниб иш олиб бораётгани эътиборлидир.

Шунингдек, жазо муддатини ўтаётган кишиларнинг оиласидан боҳабар бўлиб, зарур ҳолларда ижтимоий мадад кўрсатиш; кўрсатилган ёрдамнинг манзилли бўлишини таъминлаш; аҳолида шаклланиши мумкин бўлган боқимандалик кайфиятларининг олдини олиш; «Саховат» ва «Меҳрибонлик» уйларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга кўмаклашиш бўйича Фонд томонидан изчил фаолият юритилмоқда.

Мамлакатимизда ҳар йили муайян йил номи билан боғлиқ ҳолда қабул қилинадиган ва изчил амалга ошириладиган Давлат дастурларида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган алоҳида бўлим мавжуд бўлиб, бунда энг зарур ижтимоий

ҳимоя субъектлари ва объектлари манзилли тарзда кўрсатилади, хусусан, «Маҳалла» фондининг бу борадаги вазифалари аниқ белгилаб қўйилади.

Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди маълумотларига қараганда, Фонднинг ижтимоий ҳимоя учун сарф этадиган маблағлари миқдори жами харажатларнинг ўртача 80 фоизини ташкил этади.

Кейинги вақтда Наврӯз ва Мустақиллик байрамлари арафасида ўтказиладиган умумхалқ хайрия ҳашарлари давомида ҳудудларни ободонлаштириш ишлари билан бир қаторда, ёлғиз фуқароларнинг ўйжойларини таъмиrlаш ва кам таъминланган оиласларга моддий мадад кўрсатиш амалиётга киритилди. «Маҳалла» хайрия жамоат фонди кўмагида биргина 2013 йилги Наврӯз байрами арафасида ўтказилган ҳашар кунлари 37 минг 903 та эҳтиёжманд оиласа мурувват ёрдамлари кўрсатилган, 466 минг 888 та ўй-жойлар ҳашар йўли билан таъмирланган.

Бу каби эзгу ишларда фуқаролар йиғинлари ҳузуридаги ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича комиссияларнинг фаолияти катта роль ўйнамоқда. Бинобарин, тегишли фуқаролар йиғини ҳудудида аниқ йўналтирилган асосда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилишига кўмаклашиш мазкур комиссияларнинг асосий мақсади этиб белгиланган¹.

Маълумки, ижтимоий шериклик жамиятда сиёсий кучлар ва ижтимоий қатламларнинг ҳамжиҳатлиги, турли миллат, ирқ ва дин вакилларининг ўзаро ҳамкорлиги, илғор ғояларнинг ўзаро ўйғунлиги, ҳар бир шахс ўзининг фуқаролик бурчини

¹ Фуқаролар йиғинининг ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича комиссияси тўғрисида намунавий Низом // Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига оид қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2014. – 87-бет.

ҳис этиши, жамиятдаги тинчлик ва барқарорлик асосида шаклланади, ривожланади.

Ижтимоий шериклик жамият асосий қатламларининг муҳим ижтимоий-иқтисодий манфаатларини мувозанатли амалга оширишни таъминлайдиган ижтимоий муносабатларнинг алоҳида йўналиши ҳисобланади.

Аҳолининг тури қатламлари манфаатлари ни мувофиқлаштириш ва ҳимоя қилиш, иқтисодий ҳамда сиёсий вазифаларни ҳал этишга кўмаклашиш, кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш бу борадаги муҳим вазифалар сирасига киради.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, мустақиллик ийларида маҳалланинг кўплаб давлат ва нодавлат ташкилотлар билан ижтимоий шериклик тамойилини ҳётга изчил татбиқ этишига қаратилган барча ҳуқуқий асослар яратилди. Натижада маҳалла зими масидаги кенг кўламли вазифалар фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ва давлат тузилмалари билан яқин ҳамкорликда амалга оширилмоқда.

Ҳозирги вақтда ҳудудларимиз осойиштаги лигини мустаҳкамлаш, барқарорликни асраш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлашда маҳалла фаоллари, маҳалла посбонлари тегишли ҳудуднинг профилактика инспекторлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари билан ҳамкорликда қатор тадбирларни амалга ошираётур. Бу ўзаро ҳамкорликдаги фаолият маҳалла тизимининг давлат ташкилотлари билан самарали ижтимоий шерикчилигига яқъол мисолdir.

Кейинги ийларда ёшларни миллий ва умуминсоний қадрияtlар руҳида тарбиялаш, улар онгига Ватанга садоқат ва инсонпарварлик ғояларини шакллантириш мақсадида Ўзбекистон «Маҳалла»

хайрия жамоат фонди ташаббуси билан Республика Маънавият тарғибот маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва Ҳалқ таълими вазирлиги ҳамкорлигига «**Маҳаллам тарихини ўрганаман**» кўрик-танлови ўtkазиб келинмоқда. Бу танлов шарофати билан маҳаллаларнинг узоқ ўтмишдаги тарихи ва мустақиллик йилларидағи ўзгариш ҳамда ютуқларини таҳлил этиш имконияти туғилгани айни муддаодир.

Шунингдек, «Маҳалла» фондининг анъанавий:

- «**Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи**»;
- «**Энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи**»;
- «**Энг намунали оила**»;
- «**Намунали профилактика нозири**» каби кўрик-танловларини ўтказишга кенг жамоатчилик, бир қатор давлат ва нодавлат ташкилотлар жалб этилмоқда.

Бу эса, ижтимоий шерикликни янги поғоналарга кўтариш, фуқаролар йиғинларининг салоҳияти ва имкониятларини ошириш, илғор иш тажрибаларини оммалаштиришда муҳим аҳамиятга эга.

Шунингдек, маҳаллалар таълим ва тиббиёт муассасалари билан ўзаро ҳамкорликда турли тадбирларни амалга ошираётгани ҳақида ҳам кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Энг муҳими, ижтимоий шерикликка асосланган бундай оммавий тадбирлар аҳолининг турмуш дарражасини кўтариш, тиббий ва ҳукуқий маданиятини юксалтириш, ҳалқимизга хос бағрикенглик ва меҳроқибат туйғуларини мустаҳкамлаш, ҳар бир маҳалла ва оиласда тинчлик-осойишталикни таъминлаш,

соғлом ва обод турмуш тарзини тарғиб этишда алоҳида ўрин тутади.

«Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» асосида ишлаб чиқилган «Ижтимоий шериклик тұғрисида»ги қонун күчга киргач¹, юртимиздаги фуқаролик жамияти институтлари, шу жумладан, маҳаллалар фаолиятини янада ривожлантириш, амалга оширилаётган изчил ислоҳотларнинг очиқ-ошкоралиги ва самарадорлигини таъминлашда, уларнинг демократик ҳуқуқий давлат қуриш ҳамда адолатли фуқаролик жамиятини шакллантиришдаги ролини тубдан күчайтиришга хизмат қилмоқда.

¹ Ушбу Қонун 2014 йил 25 сентябрда қабул қилинган бўлиб, 2015 йил 1 январдан эътиборан күчга кирди. – F. M.



ОБОДЛИК МАҲАЛЛАДАН БОШЛАНАДИ

Ҳаётимизни обод қилишнинг муҳим шарти – бу аввало, маҳаллани обод қилиш демакдир.

Президентимиз 2013 йилни мамлакатимизда «Обод турмуш йили» деб эълон қилиш асносида таъкидлаганидек, **«обод деганда, ҳалқимиз, миллатимиз нафақат кўркам ва чиройли, шу билан бирга, тинчлик ва осойишталик, ўзаро меҳроқибат, аҳиллик, файз-барака ҳукмрон бўлган жойларни, доимо пок ният ва соғлом интилиш билан яшашни тасаввур қиласди»¹.**

Инсоннинг қадами етган жойда албатта ободончилик бўлади, дейдилар. Бинобарин, барча қатламларга мансуб аҳолини ўзида қамраган маҳаллаларда ҳар йили умумхалқ ҳашарлари уюштирилиб, ободончилик, кўкаламзорлаштириш, бунёдкорлик, маҳалла идораларини қуриш ва таъмирлаш ишлари кейинги йилларда хайрли анъанага айланган.

Ҳозирги вақтда бутун Ўзбекистонимиз, таъбир жоиз бўлса, улкан қурилиш майдонига айланган.

¹ Каримов И.А. Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш – бизнинг бош мақсадимиздир. – Т.: «Ўзбекистон», 2012. – 26-бет.

Хусусан, вилоятлар марказларини бош режа асосида ривожлантириш мақсадида йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Ана шундай катта ҳажмдаги ишлар Урганч, Қарши, Фарғона, Наманган, Қўқон, Нукус, Жиззах, Шаҳрисабз, Гулистан ва бошқа шаҳарларда, юртимизнинг барча вилоят ва туманларида ҳам давом эттирилмоқда.

Айниқса, юртимиз бўйлаб маҳалла гузарлари – мустақиллик даври архитектурасининг ўзига хос намунаси бўлган қанчадан-қанча шарқона бинолар қад ростлади. Янги гузарлар билан бирга савдо ва майший хизмат кўрсатиш шохобчалари, болалар ва спорт майдончалари барпо этиш, ички йўллар ва йўлакларни таъмирлаш, кўп қаватли уйларнинг атрофини ободонлаштириш бўйича катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилди.

Мустақиллик даври меъморчилиги ҳақида сўз боргандা, Президентимиз Ислом Каримов ғояси ва ташаббусига кўра намунавий лойиҳалар асосида замонавий уй-жойлар қуриш ҳаракати қишлоқ ҳаётининг савияси ва маданиятини ошириш бора-сида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг олий босқичи эканини таъкидлаш даркор. Бу бизнинг қишлоқ ҳақидаги тасаввуримизни, қарашларимизни, қишлоқ ва маҳалла аҳлига бўлган муносабатимизни тубдан ўзгартириб юборди.

Халқимида «Ўз уйим – ўлан-тўшагим», деган нақл бор. Яъни, ота фарзанди туғилиши билан тे-рак эгади, боласини уйли-жойли қилиш ҳаракатида бўлади. Шу эзгу удумнинг кенг миқёсдаги ифодаси сифатида 2009 йил – **Қишлоқ тараққиёти ва фарғонлиги йилида** бошланган замонавий, қулай ва барча коммунал хизмат шароитларига эга якка тартибдаги уй-жойлар қуриш ҳаракати тобора кенгайиб бормоқда.

Ўша вақт, яъни 2009 йилдан бошлаб мамлакатимизнинг 159 та қишлоқ туманида намунавий лойиҳалар асосида 900 дан ортиқ янги уй-жой масивлари барпо этилди. Умумий майдони 4 миллион 500 минг квадрат метр бўлган 33 минг 500 дан зиёд якка тартибдаги уй-жой фойдаланишга топширилди. 732 километр асфальт қилинган автомобиль йўллари, мингдан ортиқ ижтимоий ва бозор инфратузилмаси обьектлари барпо этилди.

2013 йил – Обод турмуш йилида мамлакатимиз бўйича қишлоқ жойлардаги 353 та массивда умумий майдони 1 миллион 500 минг квадрат метр бўлган 10 мингта шинам уй-жойлар барпо этилди, бу кўрсаткич 2012 йилга нисбатан 17 фоизга қўпdir¹.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Президенти ташаббуси асосида қишлоқ жойларда хусусий уй-жойлар қуриш бўйича кенг кўламли дастур амалга оширила бошланганидан буён ўтган қисқа даврда 40 мингдан зиёд оила ана шундай ҳар томонлама қулай янги уй-жойларга эга бўлди.

Айниқса, давлатимиз раҳбари тавсияси билан якка тартибда қурилаётган уй-жойлар лойиҳалари қулайлик нуқтаи назаридан қайтадан кўриб чиқилиб, ажратиладиган ер участкалари майдонини олти сотих этиб белгилаш тўғрисида қарор қабул қилингач, бундай уйларга қизиқувчилар сони янада қўпайди. Айни вақтда бу замонавий уйлар кўз ўнгимизда қад ростламоқда, бунёдкор халқимизнинг гулдек қўллари билан барпо этилиб, ўз баҳтли эгаларига муносиб тарзда топширилмоқда.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2014, 18 январь.

Биз фақат қишлоқларимиздаги уй-жойлар қурилишига доир рақамларни келтирдик, холос. Жойларда бу уйлар билан ёнма-ён қанчадан-қанча замонавий инфратузилма обьектлари – янги-янги хизмат кўрсатиш шохобчалари, нон ёпадиган, кондитер маҳсулотлари тайёрлайдиган цехлар, бозорчалар ва савдо дўконлари, болалар майдончалари, оиласвий дам олиш масканлари, гўзаллик салонлари қурилди ва қурилмоқда.

Мисол учун, биргина 2012 йилнинг ўзида янги турар жой мавзеларида **70 дан зиёд маҳалла гузарлари**, қарийб 30 та қишлоқ врачлик пункти, 10 та мактаб, ўттизга яқин мини-банк, 35 та деҳқон бозори, 120 тадан ортиқ ишлаб чиқариш цехи ва майший хизмат кўрсатиш шохобчалари бунёд этилди.

Бинобарин, давлатимиз раҳбари қайд этганидек, «**қишлоқларимиз аҳолиси нафақат қулай уй-жойларда, айни вақтда барча зарур мухандислик ва транспорт коммуникация ларига, ижтимоий ва бозор инфратузилмаси обьектларига – тиббиёт, спорт, банк, майший хизмат кўрсатиш, савдо ва маданият муассасаларига эга бўлган обод посёлкаларда яшashi лозим**»¹.

Мустақиллик даври архитектурасининг бетакор намуналари бўлмиш замонавий бино ва иншоотлар, қишлоқ аҳолиси учун мўлжалланган якка тартиbdаги турар-жойлар миллий анъаналаримиз ва замонавий услублар мужассамлиги боис қишлоқларимиз, маҳаллаларимиз кўркига кўрк, чиройига чирой қўшмоқда. Катта-кичик шаҳарларимизда ҳам ғоятда

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг мухим устувор йўналишларига бағишиланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2014, 18 январь.

улкан кўламдаги бунёдкорлик ишлари жадал олиб борилмоқда.

Албатта, ҳар бир киши фаровон турмуш ке-чиришни истайди. Қишлоқ ва шаҳарларимизда, маҳаллаларда бунёд этилаётган қулай, шинам ва замонавий уйлар эса юртдошларимизнинг ана шундай орзу-умидларини рўёбга чиқараётгани, айниқса, қувонарлидир.

Янги уй-жойлар тимсолида барча ниятларимиз ушалаяпти. Одамларнинг ҳаётга бўлган муносабати ўзгараояпти, Ватанга муҳаббати ортаяпти. Аслида, инсон манфаати, унинг баҳти ва фаровон турмушини таъминлашга устуворлик берилган юртда яшаётган аҳоли шунга муносибdir.

Президентимиз раҳнамолигида қишлоқда аҳоли турмуш даражасини ва маданиятини ошириш, маҳаллаларимиз қиёфасини тубдан яхшилаш мақсадида изчиллик билан амалга оширилаётган бундай эзгу ишлар халқаро ҳамжамиятда катта қизиқиш уйғотмоқда. Дунё жамоатчилиги, мутахассислар ва чет эллик эксперталар Ўзбекистонда бу борада ҳаётга изчиллик билан татбиқ этилаётган дастурлар самараларини ҳар томонлама ўрганаёттир.

2013 йил апрель ойида Тошкент шаҳрида замонавий уй-жой қурилиши мавзусида ўтказилган халқаро конференцияда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки, Жануби-шарқий Осиё мамлакатлари уюмаси (АСЕАН), ЮНЕСКО ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари ва вакиллари, дунёнинг 60 дан зиёд мамлакатидан 300 дан ортиқ олим,

мутахассис ва эксперталар иштирок этгани бунинг ёрқин исботидир¹.

Буларнинг барчаси бежиз эмас. Чунки мустақиллик йилларида бой тарихимиз, бетакор меросимиз, муқаддас дину диёнатимиз, кўхна урфодат ва анъаналаримиз қайта тикланди. Мехроқибат, бағрикенглик, ҳамжиҳатлик каби олижаноб фазилатлар, миллий ва умумбашарий қадриятларга уйғун бўлиб яшаш, Ватан тақдири ва келажагига дахлдорлик туйғуси ҳаётимиздан мустаҳкам ўрин олмоқда.

Албатта, бу каби ижобий омиллар халқимизнинг руҳиятини кўтариб, ишчанлик, бунёдкорлик кайфиятини кучайтирмоқда, юртдошларимизнинг келажакка ишончини янада оширмоқда.

Истиқлол йилларида Ўзбекистонда оилани, аёлни, онани улуғловчи бир-биридан муazzам тарихий ёдгорликлар бунёд этилди. Мустақиллик майдонидаги «**Мотамсаро она**», «**Бахтиёр она**», шунингдек, «**Ватанга қасамёд**» монументларида акс этган мўътабар волида тимсоллари, шак-шубҳасиз, маҳаллаларимиз аҳлини, айниқса, ёшларимизни ватанпарварлик, оиласа, маҳалла-кўйга, эл-юртга, Ватанга садоқат ва ҳурмат руҳида тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Шу ўринда Қарши шаҳрининг халқаро миқёсда кенг нишонланган 2700 йиллик қутлуғ тўйи муносабати билан 2006 йили бу табаррук заминда қад ростлаган яна бир муҳташам монумент ҳақида қисқача тўхталиш жоиз.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишиланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2014, 18 январь.

Гап шундаки, «**Эл-юрт таянчи**» деб номланган мазкур ёдгорлиқда ота-она, ўғил ва қиз сиймоси акс этган. Бу – айнан оила тасвиридир. Демак, ушбу монументда «**Оила – эл-юрт таянчи**дир» деган ёрқин тояк акс этган.

Ҳақиқатан ҳам, болани, аввало, оила тарбиялайди. Яхши оиласыда яхши фарзандлар вояга етади. Ҳар бир маҳаллада барчага намуна бўлишга лойиқ оиласаримиз бор ва бисёр. Бундай соғлом оиласарда вояга етган, тарбия топган фарзандлар доимо эл хизматида экани, феъл-атвори, яхши иш-амаллари билан ота-оналари, оиласари, маҳаллаларига, мамлакатимиз ва ҳалқимизга обрў ҳамда шараф олиб келаётгани, бир сўз билан айтганда, эл-юртга таянч бўлаётгани ҳар қанча таҳсинга сазовордир.



МАҲАЛЛА: БУГУНИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

(Хотима ўрнида)

Юртимизда фуқаролик жамияти изчил ва барқарор шаклланиб бораётган ҳозирги пайтда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти самарадорлигини янада оширишни даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

«Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятияни ривожлантириш концепцияси»да бу борадаги янги устувор йўналиш ва вазифалар белгилаб берилди.

Юртошимиш таъбири билан айтганда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институти – маҳалла фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштириш, унинг вазифалари кўламини кенгайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан ўзаро яқин муносабатларини таъминлаш алоҳида долзарб аҳамият касб этмоқда.

Концепцияда маҳалла институтини замонавий босқичда ривожлантиришнинг қуидаги йўналишлари кўрсатиб ўтилди:

Биринчидан, маҳалла фаолиятининг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, унинг самарали

фаолият юритиш механизмлари ва ваколатларини кенгайтириш;

иккинчидан, маҳаллани аҳолини аниқ йўналтирилган асосда ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оиласвий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш;

учинчидан, бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишида маҳалланинг вазифаларини кенгайтириб бориш;

тўртингидан, жойларда амалга оширилаётган ишлардан жамоатчиликни кенг хабардор қилиш мақсадида давлат органларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан мустаҳкам ҳамкорлигини таъминлаш;

бешинчидан, мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти қуришда маҳалланинг ўрни ва аҳамияти ортиб бораётганини инобатга олган ҳолда, маҳалла раислари ва уларнинг маслаҳатчилари этиб энг муносиб номзодлар сайла нишини таъминлайдиган фуқаролар йиғини раислари ва уларнинг маслаҳатчиларини сайлаш тизимини янада такомилластириш.

Ушбу устувор вазифалар ижроси бўйича, юқорида қайд этилганидек, қатор муҳим ишлар амалга оширилди ва оширилмоқда. Буларнинг барчаси мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтлари, хусусан, маҳаллалар фаолиятини ривожлантиришнинг янги босқичини бошлаб берди. Бунда, айниқса, «**Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида**»ги ҳамда «**Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида**»ги қонунларнинг янги таҳрирда қабул қилингани муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Хусусан, янги таҳрирда қабул қилинган «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг

маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни асосида 2013 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида муқобиллик, ошкоралик ва қонунийлик тамойилларига риоя этган ҳолда 9 минг 756 нафар фуқаролар йиғинининг раиси ва уларнинг 99 минг 618 нафар маслаҳатчиси сайланди. Сайловларда 46,6 фоиз фуқаролар йиғини раиси, 47,2 фоиз раис маслаҳатчиси биринчи маротаба сайланди¹.

Бу жараёнда, шубҳасиз, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари сайлови тизимини янада такомиллашириш, раислар ва уларнинг маслаҳатчилари энг муносаб фуқаролар ичидан сайланишини таъминлашга қаратилган янги қоидалар амалда дастлабки синовдан ўтказилгани ва ижобий натижалар яққол кўзга ташланганини қайд этиш ўринлидир.

Хусусан, таниқли ҳуқуқшунос олим Акмал Сайдовнинг қайд этишича, ушбу сайловда йиғинларнинг раислари этиб сайланган фуқароларнинг 5 минг 473 нафари, яъни 56,1 фоизи олий маълумотга эга бўлиб, асосан педагоглар, иқтисодчилар, муҳандислардан иборат. Қорақалпоғистон Республикаси (82,8 фоиз), Қашқадарё вилояти (79,7 фоиз) ва Тошкент шаҳри (75,4 фоиз) олий маълумотли йиғинлар раисларини сайлаш бўйича энг яхши кўрсаткичларни намоён этган.

Бунинг аҳамияти шундаки, олий маълумотли маҳалла оқосоқоли, авваламбор, ислоҳотларнинг бугунги босқичи талабларини чуқур англашда, зиммасига юклangan масъулиятли вазифаларни тўлақонли бажаришда, маҳалла аҳли ўртасида зарур

¹ «Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари» журнали, 2014, 2-сон. – 5-бет.

тарғибот-түшунтириш ишларини таъсирчан ва са-марали тарзда олиб боришда муайян тажрибага эгадир¹.

Маҳаллаларнинг жамият ва давлат қурилиши тизимидағи ҳуқуқ ҳамда ваколатларини кенгайтириш, бу борадаги қонунчиликни такомиллаштириш масалаларига алоҳида урғу берилаётгани бежиз эмас. Маҳалла бошқарувига бундай катта эътибор бугун мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсатнинг халқчиллигидан далолат беради.

Бу ҳақда сўз борганда, маҳалла институти халқимиз ҳаётида асрлар давомида шаклланган, замонлар синовидан ўтган, энг ноёб, энг адолатли идора экани ҳақида қанча кўп гапирилса арзийди. Чунки халқимиз минг йиллар давомида маҳалла бўлиб, жамоа бўлиб яшаш орқали ўзининг миллий қиёфасини, ўзаро меҳр-оқибат туйғуларини ҳеч қачон йўқотмаган.

Кези келганда, «Маҳалла» жамоат фондининг 2011 йил декабрь ойида бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов конференциясида Президентимиз Концепциясида белгилаб берилган энг муҳим вазифаларни ҳаётга изчил татбиқ этиш мақсадида **«Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг 2012–2014 йилларга мўлжалланган ҳаракат режаси»** қабул қилинганига эътибор қаратиш ўринлидир.

Ушбу Ҳаракат режасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш алоҳида ўрин тутади. Унда, жумладан, маҳалла фаолиятининг асосий йўналишлари – фуқаролар йиғини, унинг ҳузуридаги тафтиш комиссияси, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи, ўнга яқин турли комиссияларнинг намунавий

¹ Сайдов А.Х. Эришилган натижалар / Миллий тикланиш, 2014, 29 январь.

низомларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш кўзда тутилган бўлиб, айни пайтда бу борада бир қатор ишлар амалга оширилди.

Айниқса, 2013 йил давомида соҳага оид 20 га яқин низомлар қабул қилингани айни муддао бўлди. Бу низомлар маҳаллаларда маънавий муҳит барқарорлигини, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, ёшларни Ватанга ва миллий истиқлол ғоясига садоқат руҳида тарбиялаш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларнинг самарадорлигини янада оширишга кўмаклашиш, фуқаролар йиғинларидағи жамоатчилик тузилмалари фаолиятини самараали ташкил этишга қаратилгани билан эътиборлидир.

Шу жумладан, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича 8 та комиссия фаолиятига оид тасдиқланган намунавий Низомларнинг амалиётга татбиқ этилиши маҳаллалар ишига кенг жамоатчиликни жалб этишга катта туртки берди¹.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва кучли фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ролини ҳамда аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини ошириш, жамиятни маънавий-ахлоқий ривожлантириш масалаларига ҳам катта эътибор берилмоқда. Бу борадаги ишлар, ўз навбатида, қонун ҳужжатлари, умумдавлат ва ҳудудий дастурлар ижро этилиши устидан жамоатчилик назорати тизимида фуқаролар йиғинларининг ролини янада оширишда ғоят муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шу мақсадда 2013 йилда, «**Обод турмуш йили»** **Давлат дастурига** мувофиқ, маҳалла фаолиятини

¹ Қаранг: Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига оид қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2014. – 72–130-бетлар.

янада такомиллаштириш, ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш, жойларда ижтимоий ва иқтисодий ривожланишга оид масалаларни ҳал этишда уларнинг ўрни ва аҳамиятини ошириш, ёш ҳамда кам таъминланган оиласаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтиришга доир бир қатор ибратли тадбирлар амалга оширилди.

Бу ҳақда сўз борганда, маҳаллаларни ободонлаштириш, қишлоқда экологик турмуш шароитларини яхшилаш масалаларини ҳал этишга нодавлат нотижорат ташкилотларни жалб қилиш орқали қишлоқларнинг ижтимоий инфратузилмасини яхшилаш бўйича **«Обод уйим»** лойиҳасини амалга оширишга киришилганини алоҳида таъкидлаш мақсадга мувофиқдир.

Жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг андазавий лойиҳалар асосида маҳаллаларни ободонлаштириш бўйича ҳудудий тадбирлар режалирини тасдиқлаш, маҳаллалар ташқи кўринишини яхшилаш, аҳолининг дам олиши, маҳаллалар аҳлига эстетик тарбия ва соғломлаштириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш каби бир-биридан муҳим тадбирларнинг амалга оширилиши бу борадаги ютуқларга ютуқлар қўшди.

2014 йил давомида **«Соғлом бола йили»**

Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида «Маҳалла» фонди томонидан муайян ишлар амалга оширилди. Жумладан, маҳаллалар ҳудудида минглаб майший хизмат кўрсатиш шоҳобчалари ҳамда хусусий тадбиркорлик ва оиласавий бизнесни очища ва уларда аввало хотин-қизлар ва ёшларни янги иш ўринлари ташкил этилишида кўмаклашилди.

Айни пайтда соғлом ва баркамол авлодни шакллантириш, ёшларни мустақил оиласавий ҳаётга тайёрлаш, соғлом оиласи шакллантириш ҳамда ёш

авлоднинг касб эгаллашида маҳалла ролини ошириш, болалар ва ўсмирларни турли тўгаракларга, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга жалб қилиш, «Ота-оналар университети» фаолиятини янада такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуаси доирасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Бу борада, жумладан, «Маҳалла – маънавият ўчоғи» фототанлови, «Маҳалла» фондининг энг намунали шаҳар (туман) бўлими», «Фуқаролар йиғинларининг энг намунали маслаҳат маркази», «Фуқаролар йиғинларининг энг намунали жамоатчилик комиссияси», «Фуқаролар йиғинларининг энг намунали «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси раҳбари» каби кўрик-тандловлар ўтказилаётганини қайд этиш ўринлидир.

Маҳалла тизими фаолиятини такомиллаштириш, маҳаллаларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини янада юксалтириш, маҳалла фаолларини мунтазам рағбатлантириб бориш мақсадида «Маҳалла куни» тадбирларини ўтказиш яхши анъана нага айланган.

Ёшларда юксак маънавий фазилатлар, шу жумладан катталарга ҳурмат, ёшларга ғамхўрлик, эзгулик ва инсонийлик, меҳрибонлик ва бағрикенглик, Ватан ва халқقا садоқат туйғуларини шакллантириш мақсадида маҳаллаларда «Оталар мактаби», «Оналар мактаби» семинар ва тренинглари ташкил этиш, маҳаллаларда етук олим, психолог, ёзувчи, шоир, дин арбоблари, оқсоқоллар ва аҳоли иштирокида кўп асрлик миллий анъаналар руҳидаги «Маънавият эҳсони» мавзусида кеча ва суҳбатлар ташкил этилди.

Давлат дастури доирасида бугунги кунда ижтимоий муҳофазага муҳтоҷ бўлган ёш оиласарга тўй

маросимларини ўтказиш ва турмуш шароитлари ни яхшилаш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилди. Шунингдек, аёллар ўртасида «Аёллар спорт фестивали» республика фестивалини, уй бекалари ва қизлар ўртасида «Гимнастика барча учун» спорт мусобақаларини ҳамда «Соғлом оила» оиласи мусобақаларини ва аёллар ўртасида «Соғлом она – соғлом бола» шиори остида фестиваллар ташкил қилинди.

Кам таъминланган оиласлар фарзандлари, Мехрибонлик уйлари тарбияланувчилари ҳамда турли танловлар ғолиблари, шунингдек, кам таъминланган оиласларга мансуб аҳоли учун Хива, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Кўқон, Марғилон, Термиз, Шаҳрисабз ва Қарши шаҳарларига сафарлар уюштирилиб, уларнинг кўнгилли дам олишларига имкониятлар яратиб берилди.

Шу билан бирга, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларни билан биргаликда ҳудудлардаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича кенгашлар фаолиятини янада такомиллаштириш, фуқаролар йиғинлари зиммасига юклатилган қонун ҳужжатларида белгиланган вазифаларни бажаришда самарали услубий-амалий кўмак бериб борилмоқда.

Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, 2014 йили Фонд томонидан 1 минг 330 та фуқаролар йиғини 2 миллиард 660 миллион сўмлик компютер жамланмалари, 2 минг 442 та фуқаролар йиғини эса 481 миллион сўмлик мебеллар билан таъминланган. Шунингдек, 5 миллиард 517 миллион сўм маблағ ҳисобидан 314 та фуқаролар йиғини жорий, 85 таси капитал таъмирланган, 2 таси қайта реконструкция

қилингандан, 30 таси янгидан қурилиб фойдаланишга топширилган.

Жорий йилда «Кесаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури ижроси доирасида «Маҳалла» фонди томонидан амалга оширилётган ишлар кўлами тубдан кенгайди. Бу ҳақда сўз борганда, «Ўзбекистон Республикасида 2015 йилда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти самарадорлигиниянада оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастури» қабул қилингани ва изчиллик билан амалга татбиқ этилаётганини таъкидлаш жоиз.

Ушбу Дастур Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши томонидан 2015 йил 7 майда қабул қилингандан. Дастурдан кўзланган мақсад кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришда фуқаролар йиғинларининг роли ва аҳамиятини аҳоли, шунингдек, халқаро ҳамжамиятга етказиш, маҳаллаларнинг илфор иш тажрибаларини оммалаштиришдан иборат¹.

Бугунги кунда «Mahalla» газетаси саҳифаларида «Маҳалла» фонди ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан жойларда амалга оширилаётган ишларни ўрганиш натижалари мунтазам чоп этилмоқда, мутасаддилар билан сұхбатлар эълон қилинмоқда. Тизим пешқадамларининг илфор иш тажрибаси кенг оммалаштирилмоқда. Шунингдек, тизимдаги муаммолар ва уларнинг ечимларига доир танқидий-таҳлилий мақолалар бериб борилмоқда.

Бугунги кунда маҳалла институти ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасидаги Ўзбекистон тажрибасини ўрганишга бағишлиланган илмий-амалий давра сұхбатларини хорижий давлатларда

¹ Иноғомов Ж. Маҳалла институти фаолияти янада такомиллашади// «Маҳалла» газетаси, 2015, 23 май.

ташкил этиш бўйича ишчи гуруҳ тузилгани ғоят муҳим аҳамиятга эгадир. Бу гуруҳга Ташқи ишлар ва Адлия вазирликлари, «Маҳалла» фонди, Давлат бошқаруви академияси, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти каби қатор нуфузли давлат ташкилотлари ҳамда но-давлат тузилмалар ва муассасаларнинг мутахассислари аъзо ҳисобланади.

Мазкур ишчи гуруҳ самарали фаолият юритаёт-ганини таъкидлаш зарур. Жумладан, гуруҳ аъзолари иштирокида 2014 йил 26-30 апрель кунлари Корея Республикасининг Сеул шаҳрида, 26-30 май кунлари АҚШнинг Нью-Йорк ва Вашингтон шаҳарларида, Хитойнинг Пекин ва Шанхай шаҳарларида тегишли тадбирлар ўтказилгани юқоридаги фикрни яққол тасдиқлайди. Айни вақтда ишчи гуруҳ томонидан 2014 йил охиригача Бельгия давлатининг Лъеж шаҳрида, Буюк Британиянинг Лондон ва Кембриж шаҳарларида, Франция пойтахти – Париждаги, Германиянинг Берлин ва Бонн шаҳарлари ҳамда Япония пойтахти – Токиода айни шундай давра суҳбатларини ташкил этишга ҳозирлик кўрилмоқда.

Энг муҳими, маҳалла тизими самарадорлигини янада ошириш ва бу борадаги юртимиз тажрибасини кенг тарғиб этишга қаратилган бундай масъуллиятли вазифаларни ҳаётга чуқур татбиқ этиш жараёнларида барча маҳаллалар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди бўлим ва бўлинмалари фаол иштирок этмоқда. Бу, шак-шубҳасиз, ушбу тизимнинг тобора такомиллашиб, халқ ишончини оқлаётганини кўрсатади.

Бугунги кунда тизим фаоллари томонидан маҳалла ҳудудида ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, маънавий муҳит барқарорлиги ҳамда

миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, ёшларни она Ватанга ва миллий истиқлол ғоясига садоқат руҳида тарбиялаш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, бандлик масаласини ҳал этишга кўмаклашиш, оиласарни мустаҳкамлаш каби қатор вазифалар самарали амалга оширилмоқда. Маҳалла ҳалқ фаровонлигини таъминлашга йўналтирилган демократик ислоҳотларни амалга оширишда мустаҳкам таянч бўлмоқда.

Шу боис фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш, уларнинг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш давлатимизнинг доимий эътиборида. Президентимиз Ислом Каримовнинг 2013 йил 24 июлда қабул қилинган **«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тизимидағи ходимлардан бир гурӯҳини мукофотлаш тўғрисида»**ги Фармони давлатимизнинг мазкур соҳага бўлган эътибор ва ғамхўрлигининг ёрқин намунаси, тизимда самарали меҳнат қилаётган фидойи маҳалла фаоллари меҳнати қадр топаётганининг амалдаги ифодаси бўлди.

Ушбу Фармонга кўра, мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантириш, маҳаллаларда маънавий муҳит барқарорлигини ҳамда миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, ёшларни она Ватанга ва миллий истиқлол ғоясига садоқат руҳида тарбиялаш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ишларига қўшган салмоқли ҳиссаси учун тизимнинг 60 нафар фаоли юксак давлат мукофотлари билан тақдирланди. Жумладан, «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан – 5 нафар, «Фидокорона хизматлари учун» ордени билан – 5 нафар, «Меҳнат шуҳрати» ордени билан – 5 нафар, «Дўстлик» ордени билан – 14 нафар, «Шуҳрат» медали билан – 31 нафар маҳалла тизими ходимлари мукофотланди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма икки йиллиги муносабати билан давлат мукофотларига сазовор бўлган юртдошларимиз орасида ҳам «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви ва Фонднинг ҳудудий бўлинмалари, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларидан 15 нафари, Мустақиллигимизнинг йигирма уч йиллиги муносабати билан эса, 25 нафари шундай юксак шарафа муносиб топилди.

Шу тариқа кейинги 7 йил, яъни 2008-2014 йиллар мобайнида тизим ходимларидан 239 нафари турли даражадаги давлат мукофотлари билан тақдирланди. Мукофотланганларнинг 16 нафарини «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ходимлари ташкил этгани ҳолда, 223 нафари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлариидир. Улар орасида хотин-қизлар 153 нафарни, эркаклар эса, 86 нафарни ташкил этгани, аёнки, тизимда юртимиз аёлларининг фаоллиги изчил ортиб бораётганининг ўзига хос ифодасидир.

Буларнинг барчаси мамлакатимизда барқарорлик, тинчлик-тотувликни мустаҳкамлаш, ҳалқимиз салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш, турли жабҳаларда ҳаётга татбиқ этилаётган кенг кўламли ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга қаратилган чора-тадбирлар амалда юксак самаралар бераётганини яққол тасдиқлаб турибди. Бу жараёнларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ўрни ва роли мустаҳкамланаётгани эса, маҳаллаларимиз тинчлиги, ободлиги, фаровонлигига хизмат қилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, **«маҳалла – ҳам ота, ҳам она»** деган ҳикматли нақл негизида ҳалқимизнинг кўп асрлик бой ҳаётий тажрибаси

мужассам. Бинобарин, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари маҳаллалардаги эҳтиёжманд оиласарни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш билан бир қаторда, ёш оиласарга ҳар томонлама ёрдам бериш, ёшларнинг дунёқараси ва тафаккурини кенгайтириш, навқирон авлодимиз тарбияси билан боғлиқ масъулиятли вазифани ҳам зиммаларига олишлари бугунги кунда жуда муҳим аҳамиятга эга.

Аслида ҳам, фарзандларимиз дастлабки жамият тарбиясини айнан маҳаллада олади. Унинг тафаккури кўпчилик ичida, қўни-қўшниларнинг яхши-ёмон кунларида бирга бўлиш орқали шаклланади. Ўзидан катталарнинг муомаласи, юриш-туриши, одоб-ахлоқи, ўзаро оқибатига қараб ҳаракат қила бошлайди.

Маҳаллаларимизда тонг сахардан кўчаларга сув сепилиши, таниш-танимаслигидан қатъи назар, одамларнинг бир-бирига эзгу тилак билан салом бериши, оқсоқолларнинг ёшлар умрига барака тилаб дуо қилишининг ўзи катта тарбия мактабидир.

Энг муҳими, Президентимиз таъкидлаганидек, **«ёш оиласи ҳаётнинг турли тўфонларидан асрар, унинг мустаҳкам оёқقا туриб олиши учун елкадош бўлиш, бу борада зарур кўмак, маслаҳат кўрсатишда маҳалланинг роли ва аҳамиятини ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди»¹**. Бинобарин, маҳаллалар аҳолига энг яқин турган анъанавий демократик бошқарув тизимиdir.

¹ Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз – демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидири. – Т.: «Ўзбекистон», 2012. – 88-бет.

Мундарижка

Истиқлол, фуқаролик жамияти ва маҳалла (муқаддима ўрнида)	5
Маҳалла – ижтимоий-маънавий ҳаётимиз кўзгуси	16
Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари	27
Маҳалла – халқ виждани	37
Маҳалла – ижтимоий ҳимоя ва ҳамкорлик маскани	52
Ободлик маҳалладан бошланади	58
Маҳалла: бугуни ва истиқболлари (хотима ўрнида)	65

F. Мирзо

**ОБОД МАҲАЛЛА – ОБОД МАМЛАКАТ
ТАРАҚҚИЁТИ КАФОЛАТИ**

Мұхаррірлар:

А. Омонов,
Г. Ортиқхұжаева

Техник мұхаррір:

А. Ахмедов

Компьютерда

сағиғаловчи:

Ш. Расулов

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги
«Адолат» нашриёти. Нашр. лиц. АI № 228, 16.11.2012.
100192, Тошкент шаҳри, Буюк ипак йўли кўчаси, 69-уй.

Телефон: (371) 268-28-57.

Факс: (371) 268-28-56.

Веб сайт: www.adolatnashr.uz

e-mail: info@adolatnashr.uz

Босишга рухсат этилди 18.11.2015 й.

Қоғоз бичими 84x108 $\frac{1}{32}$. «Segoe UI» гарнитураси.

Офсет усулида чоп этилди. Босма табоғи 2,5.

Нашриёт ҳисоб табоғи 3,5. Адади 500 нусха.

...буортма. Нархи шартнома асосида.

«Print Line Group» XK bosmaxonasida chop etildi.

Toshkent sh., Chilonzor tumani,

Bunyodkor shoh ko'chasi, 44-uy.